*Ҳар бир кишининг шарафи, орияти, номуси, жамиятдаги обрў-эътибори унинг шахси, толеининг дафтари, фаолиятида адолат деган ҳодисанинг қанчалар мужассам бўлгани билан ўлчанади. Чунки шараф ва номус ҳеч қачон адолатдан узоқ ерда юрмайди. Адолат оқилликдан ҳосил бўлади. Самимийлик, соддалик, очиқ юзлилик, оқиллик, олижаноблик, меҳр-оқибат, мурувват ва муросаи мадора каби маънавият ҳодисалари ҳаммаси адолатга қандай муносабатда эканлиги билан синалади, қиммати англанади. Булар адолатнинг қўшинлари. Улар адолатга хизмат қилмаса, уни ўрнатмаса, мустаҳкамламаса, ҳаракатчан кучга айлантирмаса ўз моҳиятини тўла юзага чиқара олмайди. Улардан адолат туғилмаса, ўрнини мунофиқлик, иккиюзламачилик, ғирромлик, муғомбирлик эгаллаб олади.*

# Адолат ва инсонийлик мезонлари

Адолат шундай бир нарсаки, у ҳеч қачон зулм, зўравонлик, миллий эзиш, талончилик, асоратда тутиш билан чиқишолмайди. Булар билан адолат ўртасида антогонизм мавжуд.

XX аср текис, кенг, тўғри, мустаҳкам йўлларни қуриш ва шундай йўллардан юришни инсониятга ўргатди. Узоқ манзиллар яқин бўлди. Оғирчиликлар енгилликлар билан алмашди. Инсониятга номаълум бўлган қитъалар қолмади. Инсоният онгли тарихи давомида қилган энг улуғ орзулардан бири тўғри йўлга эга бўлиш эди. XX асрда шу орзусига етди. Инсоният тўғриликни ниҳоятда қадрлайди. Бу унинг адолатни қадрлагани.

> **...Нафрат, ғазабга тўлган одамнинг адолат қилиши қийин. Адолат мўътадиллик, эътидол, муодиллик, мувосо, тоқат билан боғлиқ. Одил туйғу, одил бурч шулардан яралади.**

Адолатни тиклаш, адолатли ҳукм, адолатли қарор, адолатли танқид ҳар бир шахснинг ҳаётида жуда катта ўрин тутади. Уларнинг тугал қонунийлиги ва ҳаққонийлиги инсон ҳаётига мўътадиллик бахш этади, шулар билан у ўзини тўла бахтиёр ва эркин сезади. Нафрат, ғазабга тўлган одамнинг адолат қилиши қийин. Адолат мўътадиллик, эътидол, муодиллик, мувосо, тоқат билан боғлиқ. Одил туйғу, одил бурч шулардан яралади.

Илгари ўтган замонларнинг барчасида адолат ҳукм, ҳукмронлик билан боғлиқ эди. Одил ҳукм — барчанинг идеали эди. Идеал ҳукмдор орзуси ҳам шундан туғилган. Ҳозир адолат фақат қонун, қонун интизоми, демократик принциплар амалиёти билан чамбарчас боғланган. Қонун кучли, ҳар томонлама амалда бўлган ерда осойишталик ҳукмрон. Бинобарин, адолат осойишталикнинг гарови.

Адолат инсон ҳаётида қаердан пайдо бўлди?

Бунга жавоб бериш учун илк жамоа даврларига озгина бўлса ҳам мурожаат қилишимизга тўғри келади. Чориғингни унутма дейилганидек, биз илк жамоа даврларини эслаб туришимиз ҳар жиҳатдан хайрли бўлиб кўринади.

Одамлар жамоага бирлашиб яшаш ва жон сақлашга ўрганганларидан сўнг асосий тирикчилик манбаи ов қилиш бўлиб қолди. Қолаверса, ов туфайли одамлар чорва ва улов асрашга ўргандилар. Ов бутун жамоа аъзолари билан биргаликда қилинар ва қўлга киритилган ўлжанинг бари жамоа аъзолари ўртасида бўлинарди. Ҳар ким ўз насибасини оларди. Ўлжа жамоа аъзолари ўртасида баробар тақсимланмаса, норозилик туғилар, агар бунинг олди ўз вақтида олинмаса жамоанинг бўлиниб кетишига олиб келарди. Ҳолбуки, парчаланиш, бўлиниш жамоа учун жуда хатарли эди. Айрилганни бўри ер деган ҳикматли сўз ўша замонлардан қолган. Жамоа бўлинганда овга чиқувчи кучли, чапдаст эркакларнинг сафи камаяр, ўлжа ҳам шунга яраша салмоғини йўқотар, жамоа аъзоларига тегадиган улушнинг ҳиссаси ҳам албатта озаярди. Бундан ташқари бўлиниш турли табиий хавф-хатарларга қарши туришда жамоанинг кучи, қобилиятини қирқиб қўярди. Овнинг бошида турадиган жамоа бошлиғининг ўлжани тақсимлашда барчани тенг кўришида жамоани бирлаштириб турувчи мана шундай қудрат мужассам эди.

Адолатнинг илк кўриниши мана шу тақсимлаш, бўлиш, ибтидоий жамоа аъзолари назарида эса тақдирлаш адолатли эди. Тарих гувоҳ: қанчадан қанча давлатлар, қанчадан қанча аюҳаннос солган қўшинлар, ижтимоий гуруҳлар, тўдалар тақсимлашда адолатсизлик боис бир зумда тарқалиб кетганлар, мавқеларини бой берганлар.

«Она», «ота» сингари инсониятнинг илк сўзларини эслайлик.

Учинчи бўлиб одамзод шулардан сўнг «бўл» сўзини айтишни ўрганган эди. Баъзан «ота», «ота» сўзини шароит тақозосига кўра ҳар куни тилга олмасак-да, лекин «бўл» («бўлди», «бўлмоқ») сўзини ҳар куни, ҳар дамда тилга оламиз. Ҳеч кимнинг ҳеч иши бу сўзсиз битмайди. Ҳар қандай фикримизни усиз суҳбатдошимизга тушунарли қилиб етказа олмаймиз. Мана шу «бўл» сўзи ов ўлжасини жамоа ўртасида бўлишдан бошлади. Ўлжани тенг бўлиш ҳамма тушунадиган бир маънони — тўғрилик, тузликни англатадиган бўлди..

Тенг бўлиш, тўғри тақсимлаш ҳеч кимда норозилик, эътироз туғдирмасди. У амалда бўлган ерда жамоанинг боши доим қовушган, ов доим барорда, ўлжа мўл, жамоа табиий хатарларга қарши ўзини яхши ҳимоя қила оларди. Тақдимот, тақдирлашдаги адолат, аввало, жамоанинг, сўнг замонлар ўтиб қабила, ундан сўнг халқнинг куч-қудрат манбаига айланарди.

Адолат сўзи анчалар кейин — тилимиз араб ва ажам маданияти билан яқин ошно ҳамда ҳамкор бўлгандан сўнг кириб келди.

Унгача «адолат» тушунчаси замиридаги маъноларни «боботуркий» тилимизда «тўғри», «туз», «тенг», «тенглик», «бўл», «бўлиш» сўзлари кенг маконларда турли алфозларда яшаган қабилаларга ҳаммага осон тушунарли тарзда англатиб келарди.

Шундан бўлса керак, ҳали ҳанузгача халқимиз ўзининг жуда бой маънавий-ахлоқий анъаналари, яшаш удумлари ва урф-одатларида тўғрилик, тенглик ҳақида фикр юритганда бунда доимо адолатни англайди. Тўғрилик борасида сўзлаётган одам адолат тўғрисида гапиряпти, деймиз.

Арабу ажамда ҳамиша қингир-қийшиқ ишларни тўғрилаш, сохта, бачкана бўлиб кетган нарсаларни табиий ҳолига келтириш, уй-жой, иморат ясаганда ўрқирларни текислашни адолат сўзи орқали билганлар.

Одамлараро издан чиққан муносабатларни ўрнига қўйиш — мўътадиллаштириш, зиддиятларни юмшатиш — муомалаларни яхшилаш катта ижобий инсоний ҳодиса ҳисобланиб, буларни ҳам адолатга йўйганлар. Тик, тўғри турувчи, тўғри фикр айтувчи, тўғри ҳукм қилувчи одамларни «одил» деб алқаганлар. Ишларни тўғри ҳал қилувчи, қонун-қоида, низом-интизом, туз-тузукка эътибор берувчи идорани «адлия» (юстиция) деб атаганлар. Тенглик, баробарликка риоя қилишликни «таодил» деганлар. «Эътидол», «мўътадил», «мутаодил», «муодил» сингари мумтоз адабиётимиз истифода этган сўзлар ҳам келишганлик, кўркамлик, уйғунлик, бир-бирига баробарлик, тенглик ўртачалик, тенглашганлик, кучларнинг тенглиги каби инсон учун жуда қимматли, гўзал маъноларни билдирган.

Қадимий тилимиздаги «туз» («тўғри»), «тузук» (Амир Темур яратган, яшаш ва ижтимоий муносабатлар қоидалари ва таомилларининг тўпламлари) таг-томирлари билан адолатга дахлдор, балки адолат ва унинг қиёфаларининг худди ўзидир. Лекин пайдо бўлишига кўра худди «бўл» каби қадимийроқдир.

Ўқувчи яхши сезаётгандирки, сўз бораётган «тақсимлаш адолати» «тенг бўлиш»нинг моҳият мағзида хулқ, ахлоқ турибди. Маълумки хулқлар, ахлоқларнинг йиғиндисидан маънавият ҳосил бўлади. Жамоа кучлар воситасида эришилган, кўпнинг меҳнати, пешона тери тўкиши туфайли юзага келган неъматларни жамоа ўртасида тенг бўлиш, тақсимлашдан инсоният илк бора адолат принципини кашф этди. У одамзоднинг яшовчанлигини таъминлаган ўлмас, йўқолмас, туганмас маънавий-ахлоқий принципга айланди. Уни инсоният бугун амалда қўллаётган барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий принципларнинг онаси десак ҳам ўринлидир. Бугун у инсон моҳияти ва унинг асосий ҳуқуқларига тўғридан тўғри тегишли тушунчага айланди.

Инсон фаолиятининг қайси бир бўлагини олиб қараманг, одам тўғриликка асосланмаса, иш бузилади, бузилишлар бошланади, издан чиқади. «Куч — адолатда» деган машҳур ҳикматнинг маъноси тўғриликни қўлдан берманг деганидир аслида.

Адолатнинг бошига жуда кўп қизиқ ишлар тушди. Инсоният тарихи бунга гувоҳ. Адолатнинг табиати, феъл-атвори, куч-қудратини яхшироқ тушуниш ва тасаввур қилиш учун қўҳна қиссаларга ҳам мурожаат қилмай иложимиз йўқ. Шунда унинг «муроса-мадора», «мурувват», «шафқат», «сабр-тоқат» деган ахлоқий-маънавий ҳодисалар билан туғишган биродар эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Дунёнинг осойишталиги дўстларга мурувват, душманга муроса-мадора билан бўлади, дейилган қўҳна сўзнинг тагида бугун ҳам инсоният учун туганмас ибрат тўлғаниб турибди. Адолат ҳеч қачон мурувват, муроса бўлмаган ерда юзага чиққан эмас. Яна ҳам тўғрироғи, қаерда мурувват ва шафқат, силайи раҳм бўлса, ўша ерда адолат бор. Ўша ерда адолат қарор топади.

Одам эканмиз, бизнинг адолат борасидаги тушунчаларимиз, тасаввурларимиз ҳам, ундан кутган нарсаларимиз ҳам ғоятда ранг-баранг.

Бир яхши одам олтита қиз фарзанд кўради. Табиий ўғли бўлишини ҳам орзу қиларди. Эр-хотин йигирма йилдан ортиқ турмуш қурганликларига қарамай ҳамон бир-бирларига келин-куёвлардай иззат-икромларини йўқотмаган эдилар. Олти қизни меҳру муҳаббат билан тарбиялаб вояга етказдилар. Лекин ҳамон эрнинг кўнгли тубида ўғил кўриш орзуси ўчмаган эди. Хотин буни сезар, у ҳам ич-ичидан буни истарди. Лекин ҳеч қачон буни бир-бировларига оғиз очиб айтмас, айтсалар ўрталаридан нимадир энг зарур нарса кўтариладигандек эди. Хотин элликларни қаршилаганда суюб яна бўйида бўлди.. Икков илҳақ, кутдилар. Дамлар келди. Врачлар бирмунча хавотирда эдилар. Хотин кишига ёши элликни қоралаганда туғишнинг ўзи бўлмайди. Лекин аёл жуда ишонарди. У эрининг севинчи қандай бўлишини билар, кўз ўнгига келтирарди. Кунлар-тунлар дилидан бир фикр кечар, миясида такрорланарди:

— Э худо, адолатинг борми! Ўғил ато эт!

Ой-кунлар, соатлар, дамлар ўтди. Тўлғоқ, кечикди бир неча кунга. Хавотир кучайди. Сўнг ниҳоят тўлғоқлар турди. Лекин улар ниҳоятда кучсиз эди. Аёл икки кун туғолмай учинчи куни жон таслим қилди. Болани ёриб олдилар. У жонсиз эди. Лекин ўғил бола эди!

Табиатнинг бу каби адолати ва адолатсизлигида қандай ҳикмат бор эди? Билиш қийин. Бундай ҳолларда ҳазрати Хизр билан ҳазрати Мусо ўртасида бўлиб ўтган воқеа эсга тушади. Ҳазрати Мусо ҳазрати Хизрдан донoликни ўрганмоқчи бўлди. Улар бирга сафарга отландилар. Ҳазрати Хизр фақат бир шарт қўйдилар. Мен нима қилмай «нега?» деб сўрамайсиз, дедилар. Лекин улар шундай ғаройиб, ақл бовар қилмас воқеаларга дуч келдилар-ки, нега деб сўрамасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Мусо нега? — деб сўрадилар. Бу ҳол уч маротаба такрорлангач, ҳазрати Хизр шартни бажаролмаганликлари учун Мусо ҳазратлари билан сафарни тўхтатдилар. Улар дуч келган ҳар уч воқеанинг тагида жуда катта рамзий маънога эга адолат истаги яшириниб ётарди. Ҳазрат бунинг сирини вақти етмасдан туриб очишни ўзларига эп кўрмаган эдилар. Адолат баъзан жуда узоқ йўл босиб келади.

Бошқа бир қадим қиссада ҳикоя қилинганидек, ҳазрати Одамнинг Хобил ва Қобил исмли фарзандлари бор эди. Уйланур пайти етганда Қобил ота ризосига қарши борди. Унда иккингиз худога қурбонлик ато этинг. Кимнинг назри қабул бўлса, ўша Иқлимага уйлансун, дедилар. Хобилнинг қурбонлиги қабул бўлди. Уйланиш, ота мероси энди Хобилга ўтади. Қобил эса бунга чидамайди. Хобилни ухлаб ётганда тош билан уриб ўлдирди. Одам боласи одам боласини биринчи бор ўлдириши шу эди. Қобил авлодларига қон тўкиш лаънат тамғаси босилди. Ноҳақ қон тўкиш суяк суриб бизнинг замонларгача етиб келди. Ноҳақлик нимадан бошланди? Ота ризосига қарши боришданми? Тақсимот тўғри бўлмаганиданми? Қобилда мулк ва мулкдорлик васвасаси бош кўтарганиданми? Буларга ҳа деб жавоб бериш мумкин. Тақсимот-ку адолатли бўлган эди. Қобилга тўғри йўл кўрсатилган эди. Лекин Қобилда мулкдорлик ва ҳирс жўш уриб, тақсимотни ўзи учун адолатсиз деб топди ва оға қонини тўкди.

Тақсимот кенг ва тўғри бўлса ҳам уни тенг ва тўғри эмас деб топиш, зўравонлик билан тақсимотни ўз фойдасига ҳал қилишга уриниш шу тариқа пайдо бўлди.

Тақсимотни ўз манфаати нуқтаи назаридан ўз фойдасига ҳал этиш одамзодга Қобилдан мерос қолди. Бу Қобил синдроми. Барча адолатсизликлар, зўравонликлар, талончиликлар, муттаҳамликлар, зулм замирида шу Қобил синдроми ётибди. У ҳамон ҳар дақиқада ер юзининг дам у ерида, дам бу ерида сон-саноқсиз инсон толеларида қонли фожиаларни ўйнайди.

Тақсимотда ва тақдирлашда, меҳнат натижаларини баҳолашда тенгликни сақлашга социализм уриниб кўрди. Лекин унинг асосига қўйилган шафқатсиз мафкура тенгликни фарсга айлантириб юборди.

Унда адолатни сақлашнинг барчага баробар принципини қандай рўёбга чиқариш мумкин?

XX асрнинг ўртасида инсоният бунга фақат инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини сақлаб, рўёбга чиқарибгина, тинчлик, биродарлик, демократия шароитидагина эришиш мумкин деган қатъий хулосага келди. Шу билан чамбарчас боғлиқ тарзда Европа ва АҚШ илмий-сиёсий, фалсафий тафаккурида инсонийлик мезонлари (ўлчовлари) деган янги бир тушунча, атама дунёга келди. Инсонийлик мезонлари Умумжаҳон декларациясида, Хельсинки Якунловчи ҳужжатида, ЕХҲТнинг кейинги ўн беш йил давомида қабул қилган ҳужжатларида кенг, ҳар томонлама таҳлил, тадқиқ этилди. Инсонийлик мезонларини ҳаёт амалиётига киритишнинг йўл-йўриқлари, йўналишлари, қоидалари ишлаб чиқилди. Бугунги Европа, ЕХҲТга аъзо давлатлар, жумладан Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси шу йўналишларни ҳаётга киритиш учун кенг миқёсда иш олиб бормоқда. Бунга Президент чиқишларида кенг ўрин ажратилмоқда.

Ижтимоий ва инсоний адолатга ўлчовлари ғоятда равшан бўлган инесонийлик мезонларини қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлиги, демократия, сўз эркинлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари принциплари бугун адолат ва мурувват принциплари каби англана бормоқда. Инсон ҳуқуқларини кенг маънода қарор топтириш ҳозир ва бундан кейин ижтимоий ҳаётда адолат принципини қарор топтириш билан баробар. Тақсимот ва тақдирлашдаги адолат бу кенг англанадиган универсал принципнинг узвий бўлакларидир, холос. Чунки инсон ҳуқуқлари ишламаган, амалда бўлмаган ерда адолат ҳам ишламайди, амал қилмайди. Буларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўтмиш тарих, маданият, маънавий-ахлоқий қадриятлар, инсон шаъни шавкати бутун ҳаққонияти билан тикланаётгани, оз сонли эл-элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ишончли ҳимояланганини, дин ва эътиқодлар эркинликлари таъминланаётгани, жаҳон мамлакатлари билан Ўзбекистон ва унинг фуқаролари ўртасида маданий, маърифий, илмий-таҳсилий, оилавий-маиший, ранг-баранг инсоний борди-келди алоқалар, ҳамкорликлар ўсиб жонланиб бораётганлиги, жазоларнинг енгиллаштирилаётгани, ўлим жазосининг қисқараётгани — булар бари инсонийлик мезонларининг аста-секин амалга кириши, адолат принципларининг илдиз отиши, томир ёйиши палласига кираётганлигидан дарак беради.

Инсонийлик мезонларини амалга ошириш механизмлари, инструментлари мавжуд экан, улар ҳукумат ва турли-туман таъсирли жамоат идораларининг, бошқарув тузилмаларининг асил механизми ва инструментларига айланаркан, тенглик, биродарлик, фаровонлиик орзу-умидларимиз реал воқеага айланади. Ҳаётда ҳеч қачон тенглик бўлмаган ва бўлмайди, адолат бўлмаган ва бўлмайди, деганга ўхшаган тушкунликлар ҳаёт кун тартибида анахронизмга айланади. Инсонийлик мезонлари асосида ҳар бир шахс, давлат ва нодавлат идоралари, ранг-баранг жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар дадил, ошкора, рўй-рост, қийинчиликлардан қўрқмай эркин иш олиб борса, халқимиз ўз менталитетини умумжаҳон миқёсидаги янги тушунчалар, йўналишлар, йўл-йўриқлар замирида қайта кўриб чиқиб, саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб ташласа — янгиланса, инсонийлик мезонлари шунга кўра ҳар биримизнинг ҳаётимизда расм бўлади.

Юксак технологиялар, ахборот инқилоблари, компьютерлаштириш, глобализация замонига инсонийлик мезонлари ғоятда уйғун ва ўта муодилдир. У маънавий ахлоқий принципларимизнинг энг гўзал томонлари, қирраларини юзага чиқаришга, ўткирлаштиришга хизмат қилади. Тобора шиддатли тарзда актуал бўлиб бораётган табиатни асраш; қашшоқлик, оммавий касалликлар, гиёҳвандлик, ирқий, миллий камситишлар ва ниҳоят мудҳиш терроризм балосидан тамомила халос бўлиш ҳам охир-оқибат инсонийлик ва адолат принципларини қай тарз ва қай даражада амалга оширишимизга чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади.

Кўплар ҳамон адолатни фақат одил суд ҳукми деб билишади. Ҳолбуки одил ҳукм адолатнинг битта қирраси. Тўла адолат эса аслида сиз билан бизнинг қандайлигимиз, ҳаётни қандай қураётганлигимиз, ундан нималарни кутаётганимизда. Бунда кичкинагина адолатсизлик бутун жамиятга акс садо беради.

> **Тўла адолат эса аслида сиз билан бизнинг қандайлигимиз, ҳаётни қандай қураётганлигимиз, ундан нималарни кутаётганимизда. Бунда кичкинагина адолатсизлик бутун жамиятга акс садо беради.**

**Иброҳим ҒАФУРОВ.**



# Янги аср ёшлари



Бу йил уч юзга яқин мутахассис Бухоро қишлоқ хўжалик коллежини битирганлиги ҳақидаги гувоҳномага эга бўлди. Мамлакатимиздаги энг яхши ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланадиган мазкур коллежда бугунги кунда минг нафарга яқин ёшлар билим оляпти. Улар агроном, ветеринар, бухгалтер, қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқариш ва ремонт қилиш сингари ўндан ортиқ мутахассислик бўйича касб эгаллашлари мумкин.Ўқув масканидаги кўпгина синфхоналари компьютерлар билан жиҳозланган. Кимё, физика фанлари хонаси, спорт зали, кутубхона мавжуд. Шунингдек коллеж ўзининг 15 гектарлик томорқасига ҳам эга.Бу ерда ёшлар ўқув жараёнида олган билимларини амалиётда синаб ҳам кўришади.

**СУРАТЛАРДА:** ***Бухоро қишлоқ хўжалиги коллежи. Компьютер билан жиҳозланган синфхонада ёшлар ўз билимларини мустаҳкамлашяпти.***

**Рустам ШАГАЕВ, Илҳом САФАР (ЎзА) олган суратлар.**

Огоҳлик

# Тинчлик ҳамиша уйғоқ

Халқимиз тинчликнинг фидойиси. Ҳаттоки “Қўшнинг тинч, сен тинч” деган ҳикматга ҳам кенгроқ урғу бериб, “дунё тинч бўлсин, жумлаи мўмин тинч бўлиб, шулар қатори яратган эгам элимизни ҳам тинч қилсин” деб тонгдан то шомгача дуони тилидан қўймайди.

— Тинчлиги бўлмаган элнинг, эртаси ҳам тинч ўтмайди, — дейди 90 ёшли Ҳошим бува невараларини тиззасидан қўймай.

— Оч бўл, тўқ бўл, тинч бўл, — дейди Каромат эна чевараларининг бешигини тебратиб.

— Фарзандларимнинг камоли юртнинг тинчлиги билан боғлиқ, — дейди Маҳмуджон дўстим чет элда ўқиётган ўғлидан келган хатни кўрсатиб.

— Тинчлик бўлса мактабга бораман, — дейди неварам Севинч катталарга хос фикр юритиб.

Тинчлик! Бу сўз юрагимизда иймонга айланди, кўзимизнинг қорачиғидаги нурдек порлаганда киприкларимиз ҳам ҳушёр тортгандек бўлди.

Афсус, турмуш муаммолари билан бўлиб, бу сўзнинг қудратини қорин ташвишида, рўзғорнинг ками-кўстида кўрмай қолаётганимиз ҳам рост. Бирон жойда юртнинг, элнинг тинчи бузилганини эшитиб бирдан ҳушёр тортиб қоламиз, атрофга кўзларимизни каттароқ очиб қараймиз. Бироз фурсат ўтгач эса яна аввалги ҳол давом этади. Тинчлик эса ҳамиша уйғоқ! У қалби ухлаганларнинг, осойишталикни эсидан чиқарганларнинг, юрт дардига бепарво-ю бемалолларнинг душмани! Юртбошимизга, юртимизга, элимизга кўтарилган қўллар тинчлик қуёшидан тоб ташлаган пайтда дунёнинг қайси бир четидан юракни ларзага соладиган воқеа кўзимизни яна мошдек очиб юборади. Бошимиздан ўтган қайғули кунларни ёдимизга солади.

... Москва шаҳри аҳли 24 октябрь тонгини саросимада кутиб олди. Тирноғигача қуролланган гуруҳ, аниқроғи террорчилар шаҳарнинг ўртасида жойлашган “Шарикоподшипник” заводи маданият саройида кечки томошага йиғилган мингга яқин санъат ихлосмандларини гаровга олишди. Оқибати эса террорчилар ўзларининг ҳаром қонларига ботирилди. Қанча хонадонларда қора кийилди, қанча одамнинг асаблари қақшади. Халққа қўл кўтарганлар тиззалаб ўлди, лекин одамларнинг кўзига жовдираб қараб турган Тинчликнинг “қачон ҳушёр тортасан, инсон?” деган ҳайқириғи ҳамма ёқни тутиб кетди.

— Юртбошимиз бекорга ҳар икки гапининг бирида “ҳушёр бўлайлик” деб айтмаяпти, — дейди “Хондамир” фермер хўжалиги раиси Фозил ака Маматқулов. — Менга ўхшаган деҳқонларнинг косаси мустақиллик туфайли, тинчлик туфайли оқараётганини билиб туриб, баъзан ҳушёрликни унутамиз-да, афсус.

Ҳақ гап. Унутамиз, ҳа унутамиз. Начора, инсоннинг феълида унутиш ҳам бор. Лекин тинчлигини унутиш умрингни, бахтингни унутиш билан баробар эканлигини унутмаслигимиз керак.

Баъзида тинчликни қушга ўхшатгим келади. Эътибор берганмисиз, қушлар осойишта жойларда кўпроқ қолиб кетади, лекин атрофингизда уни тош отиб қўрқитадиган, овозини ёктирмайдиганлар ҳам бор. Ана ўшалардан эҳтиёт бўлиш керак, кўпчиликнинг орасидан уларни таниб олиш учун кўзни каттароқ очиш керак.

***... Устунлари қулар эмиш иймон суст бўлса,***  
***Турфа ўйин бошланади имкон суст бўлса,***  
***Юзинг-кўзинг демас экан виждон суст бўлса***  
***Тинчлигингни бузган ёвдан ҳушёр бўл, элим!***

***Ҳар яхшингни ёмонингга қўшиб қуймагин,***  
***“Менга нима” дея қўлинг силтаб қўймагин,***  
***Кўзингни оч, зийракроқ бўл, тушга йўймагин,***  
***Тинчлигингни бузган ёвдан ҳушёр бўл, элим!***

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

# Талабалар терроризмни қоралайдилар

Юртбошимиз ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида терроризмнинг қиёфасини тўла очиб берган эди. Айни пайтда дунё ҳамжамияти қайта-қайта таъкидлаганидек, Юртбошимиз 1999 йил Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Саммитида сўзлаган нутқида терроризм XXI аср вабосига айлангани, бу иллатга қарши курашда кучларни бирлаштириш, терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш таклифини илгари сурганди. Бундан ташқари халқаро анжуманларда бу хавфли иллатга ҳамжиҳат бўлиб курашиш лозимлигини қайта-қайта уқтириб келяпти.

Зеро, Ўзбекистон халқи терроризм нима эканлигини яхши билади. Бундай хуружларни ўз бошидан ўтказди. Андижон ва Наманган вилоятларидаги воқеалар, чегараларимиздан ўтиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг турли ҳудудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари, уларнинг ойлар давомида халқимизнинг тинч ҳаётини безовта қилганини, одамларимизнинг умрига завол бўлганини эсланг. Шу боисдан халқимиз барча кўринишдаги терроризмга қарши курашда дунёдаги соф ниятли кучлар билан бирлашиб, ўз қатъиятини намоён этиб, халқаро жамоатчилик амалга ошираётган ишларга ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистоннинг XXI аср вабосига қарши кураш борасида олиб бораётган мустақил сиёсати давлатимизнинг обрўсини халқаро майдонда янада юқори кўтаряпти. Мамлакатимизга ташриф буюраётган давлатларнинг раҳбарлари ҳам бу сиёсатни маъқулламоқдалар.

Россия пойтахти Москвада содир этилган воқеа ер юзидаги барча тинчликсевар кишиларни қаттиқ ларзага солди. Бизнинг Кимё-технология институти жамоаси ҳам бундай хунрезликка ўз муносабатини билдирди. Ҳамиша бўлганидек, махсус йўналишлар бўйича ёшлар билан биргаликда тадбирлар ўтказмоқдамиз. Уларда талабаларнинг XXI аср вабоси терроризмга бўлган салбий муносабатлари шакллантирилмоқда. “Ўз уйингни ўзинг асра” мавзуидаги баҳс-мунозаралар суҳбатлар ёшларни ўзи туғилиб ўсган, яшаётган манзил макони — Ватанини эъзозлаш, ардоқлаш ва зарур бўлса уни ҳимоя қилишга чорлаши шубҳасиз. Боиси ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас. Шунинг учун у кундалик амалий ҳаракатни талаб этади. Буни талабаларимиз онгига, қалбимизга жо қилишимиз керак. Улар орасида кўпроқ бўлиш, тушунтириш ишлари олиб бориш, биз устозларнинг вазифаси бўлмоғи лозим.

**Н. ЮСУПБЕКОВ,**
**Тошкент Кимё-технология институти ректори.**

# ШАҲРИСАБЗ — 2700 ёшда

## Рақамлар сўзлайди

**• Бугунги кунда Шаҳрисабзда 90 минг аҳоли яшайди. 80 та боғча, 107 та мактаб, 1 та коллеж ҳамда 4 та ҳунар техника билим юртида келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлод тарбияланади ва таҳсил кўради.**

**• 17 та клуб, 1 та халқ театри ва 1 та кинотеатр аҳолининг маданий-маънавий оромгоҳидир.**

**• Спорт иншоотлари 49 та. Уларда жисмоний ва маънавий соғлом авлод — Ватанга меҳр-муҳаббатли болалар вояга етмоқда.**

**• Ҳамма нарса саломатликка боғлиқ. 6 та шифохонанинг катта-ю кичик ходимлари ана шунга амал қилган ҳолда, элюртга кўнгилдагидек тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда.**

**• Тадбиркорлик билан иш юритаётган 754 та тадбиркорлик субъекти ва 5 та қўшма корхона, аввало, ишчи ўрни яратгани, қолаверса ишлаб чиқараётган маҳсулоти билан эътиборга молик.**

**• Бетакрор 20 та ноёб ёдгорлик ўзбекнинг улуғлигини улуғлаб, шарафлаб тургувчи мангуликдир.**

**• 5 та бозор қишин-ёзин тўкис, тирбанд, гавжум.**



Шаҳрисабз азалдан етти иқлимга маълум ва машҳур шаҳар. Амир Темурдай улуғ зот ана шу маконда камолга етган. Соҳибқироннинг диёримизни босқинчилардан тозалашдаги саъй-ҳаракатларида Шаҳрисабз ҳамиша таянч нуқтаси бўлган. Амир Темурнинг ота-боболари, пиру устозлари, тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзонинг хоки поклари шу тупроқда. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон бу юрт тупроғини муқаддас билган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф қилган. Афсуски, шўро даврида Амир Темур томонидан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам аёвсиз топталди. Ана шулар ҳақида гапира туриб, отахон Лутфулла Убайдуллаевнинг кўзида ёш халқаланади.

— Эй, болам. Шаҳрисабзнинг бошига офтоб энди чиқди. Ҳофиз Шерозий айтганидек, шу пайтгача масжиду мадрасаларга эшак боғланиб, керосин, ўғит, туз каби лаш-лушлар омборхонасига айлантирилганди. Атай шундай қилишган. Шаҳрисабз қалъасини йўқ қилиш учун унинг ёнида ғишт заводи қуришиб, тупроғини ўшанга ишлатишган. Буларнинг барини ўз кўзимиз билан кўрдик. Шукурки, Мустақиллик бўлди. Тарихимиз ҳам, тарихий обидаларимиз ҳам эъзоз топди. Мен узоқ йиллар моддий маданият идорасида ишлаганман. Ҳиндистонда Тожмаҳал бўлса, Шаҳрисабзда Оқсарой етти мўъжизанинг бири саналади. Афсуски, шўро даврида у ғорат қилинди...

Бобонинг ўпкаси тўлади. Оппоқ соқолини силаб, сукутга толади. Сўнг хира кўзлари тўла қувонч билан дейди:

— Худога шукур, болам. Ёруғ кунларга ҳам етдик.

— Бу ҳар бир шаҳрисабзлик айтадиган гап. Афсуски, бу кунларни кўриш кўпларга насиб этмади. Не-не кишилар армон билан дунёдан ўтдилар. Жумладан Болта Шербобоев ҳам. "Мен темурийман" деб гурунг берарди у давраларда. Ва Амир Темурнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳақида куйиб-ёниб сўзларди. "Нима учун қуёшни ботқоқда сақлашмоқчи? Биласизми?» — деб қўрқмасдан фикр-мулоҳазаларини тарихий ашёлар асосида исботларди. Шундай пайтлари бундай гурунглардан айримлар ўзини четга оларди. Чунки ўшанда бундай гапларни айтиш тугул, эшитишдан ҳам қўрқишган. Энди эса тарихий ҳақиқат тикланди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. "... Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак" деган эди Президентимиз Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур ҳайкали очилиш маросимида сўзлаган нутқида. Шаҳрисабнинг ЮНЕСКО томонидан "Бутунжаҳон мероси рўйхати"га киритилиши ҳам тасодифий эмас, бу ҳам Йўлбошчимизнинг ташаббуси билан бўлган.

Бугунги биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз аниқ. Буни ҳар бир шаҳрисабзлик чуқур ҳис этади. Шаҳрисабз тумани ҳокимининг шаҳар бўйича биринчи ўринбосари Алиқул Тошевнинг айтишича, 2700 йиллик тўй муносабати билан тарихий обидаларни, кўча ва йўлларни таъмирлаш ва янгидан қуришга миллионлаб сўмлаб маблағ сарфланибди. 8 километр узунликда магистрал водопровод тармоғи ётқизилган. Маданият саройи бутунлай қайта қурилди. Амир Темур майдони янгича тусда. Унинг ҳайкали пойига ва атрофига гранит тошлар ётқизилган. Танхоз дарёси ўзани устига қурилган кўприкнинг икки томонида оромгоҳ барпо этилди. Шаҳарни ёритиш учун замонавий чироқлар ўрнатилди. Амфитеатр эса бош майдонга алоҳида кўрк бағишлаб турибди. Бу жуда қисқа фурсатда амалга оширилган ишлардан бир шингил, холос.

— Шаҳрисабз — муқаддас замин. Бу заминда кўплаб улуғ зотлар яшаб ўтган. Бу жойда асрий чинорлар ҳам кўп. Президентимиз Қашқадарёга яқинда қилган сафарларида буни алоҳида тилга олдилар. Чиндан ҳам бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Ким ҳам чинордай узоқ яшашни орзу қилмайди? Ким ҳам улуғ зотлардай ҳаётда яхши ном қолдиришни истамайди дейсиз? Истаклар кўп, ниятлар кўп. Ана шу эзгу ниятлар бирма-бир ушалмоғи тайин. Чунки юртимиз, тинч, осойишта. Тамойилимиз бунёдкорлик. Бундай юртда яшамоқ ҳар биримиз учун фахр. Ва айни пайтда фидойилик талаб қилади.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Тарихимиз кўзгуси

Музейимиз ташкил топган 1996 йилда экспонатлар сони юздан ошмасди. Тез орада уларнинг сони ортиб борди. Натижада ўрта асрлар, Темур ва темурийлар тарихи, этнография ва халқ амалий санъати, илмий ва маърифий ишлар бўлимлари ҳамда музей захираси юзага келди. Мақсад шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида хорижий сайёҳларга, маҳаллий аҳолига кўпроқ ва қизиқарли маълумот бериш эди. Шунинг учун Оқсарой, Дорус сиёдат мажмуасида, Узунқир, Сангиртепа, Подаётоқтепа каби археологик ёдгорликларда олиб борган илмий тадқиқот ишларида ходимларимиз фаол иштирок этдилар. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд археология институти, Шаҳрисабз шаҳар музейи қадимшунос олимлари ва мутахассислари билан ҳамкорликдаги тадқиқотлар яхши натижалар борди. Шаҳар тарихига оид муҳим манбалар қўлга киритилди. Айни пайтда топилмалар сони 10 мингтани ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси музей захирасига топширилди ҳамда таъмирланиб экспозицияга чиқарилди.

Биз тўй муносабати билан янги кўргазма концепциясини ишлаб чиқдик. Унда "Авесто"га тенгдош Шаҳрисабз" мавзуида экспонатлар ҳам мавжуд. Жумладан сопол тобутчалар — остадонларнинг турли шакллари ўрин олган. Бу ниҳоятда ноёб экспонат ҳисобланади. "Ўрта асрлар даври маданияти" деб номланган кўргазмага Темур ва темурийлар даври маданияти ва ҳунармандчилигининг ноёб намуналари қўйилган. "Этнография ва халқ ҳунармандчилиги" экспозициясида эса Қашқадарё воҳаси этнографиясига тааллуқли ашёлар, ҳунармандчилигига оид буюмлар бор. "Мустақил Ўзбекистон тарихи" кўргазмаси айниқса, эътиборга моликдир. Унда мустақиллик йилларида юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўз аксини топган.

Бугунги кунда музейимиз жойлашган Чубин мадрасаси тўла таъмирдан чиқарилди. У 17 мингдан зиёд осори-атиқаларни ўз захирасида сақламоқда.

**А.ТОШЕВ,**
**Амир Темур номли Шаҳрисабз моддий маданият тарихи музейи бош муҳофизи.**

**Жуманиёз ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## Ям-яшил гулшан эрур

**мухаммас**

*Шаҳрисабз — олам аро зебо шаҳар,*
*Бошидан офтоб сочар ҳар лаҳза зар,*
*Ям-яшил гулшан эрур то сарбасар,*
*Сенга Оллоҳим ўзи солмиш назар,*
*Жисмимиз ичра азизсан жон қадар.*

*Боқса тонглар ҳуснига ороланиб,*
*Оқса диллар наҳрида дарёланиб,*
*Гумбази нилий билан барноланиб,*
*Лол бўлур дунё ўзи шайдоланиб,*
*Кўнглимиз осмонида шамсу қамар.*

*Гуркирар мумтоз шаҳарлар ёнида,*
*Гул ёнар бўстонида, майдонида,*
*Темурийлик сарвати бор қонида,*
*Шуълайи соҳибқиронлик жонида,*
*Мустақиллик бағрида озод яшар.*

*Шаҳрисабз — кўркам ғазаллар шаҳридир,*
*Турфа бойлик, қанд-асаллар шаҳридир,*
*Ҳикмату достон, масаллар шаҳридир,*
*Дунёда тенгсиз гўзаллар шаҳридир,*
*Ўзбекистон фахри деб билгай башар.*

*Мир Алишер алқамиш минг сўз билан,*
*Боқди Бобур сенга хуштор кўз билан,*
*Зарра ҳокинг тенг эрур юлдуз билан,*
*Қишларинг ҳам баҳс этур наврўз билан,*
*Ғолибу Бедил учун сен шоҳ асар.*

*Шаҳрисабзим, даҳр аро обод элим,*
*Ҳам жасорат бобида Фарҳод элим,*
*Яхшиликдан жон аро бунёд элим,*
*Эрку Истиқлол ила озод элим,*
*Меҳрибон Юртбошимиз севган шаҳар.*

*Ҳар нуроний, навқиронлик сенга хос,*
*Бизга аждоддан ўзинг олтин мерос,*
*Кўп шоир илҳоми, жўшқин эҳтирос,*
*Бир жаҳон фахримга бўлмишсан асос,*
*Доимо ёринг эрур шону зафар.*

## Ҳунармандлар юрти бу

Шаҳрисабзда азал-азалдан тайёрланган сопол буюмлар, заргарлик маҳсулотлари, кашталар, ироқи дўппилар жаҳонда машҳур бўлган. Афсуски, мустабид совет даврида ана шу анъаналар атай эътиборсиз қолдирилган. Натижада энг ноёб ҳунарлар, хусусан қўл керамикаси ( чархда ишланадиган хум, обдаста, қўшқулоқ, чорқулоқ кабилар), заргарлик, кандакорлик, бигиз каштачилиги (юрма каштачилиги) йўқолиб кетиш хавфи остида қолган эди. Бу нозик касб билан шуғулланувчи заргарларнинг сўнгги авлоди Саид заргар ҳам буюм ясамай қўйганди. Чунки бунга йўл беришмаганди. Зингирон маҳалласида ўтмишда отлар учун эгар-жабдуқлар, от узангилари ясалган. Шўро даврида отларга қирғин келтирилди. Шу боис эгар-жабдуғларга ҳам эҳтиёж камайган. Бу ҳунар ҳам касодга учраган.

Мустақиллик туфайли халқ ҳунармандчилиги қайта тикланмоқда. Хусусан, энг ноёб, йўқолиш арафасида турган ҳунарлар давом эттирилмоқда. Шунинг учун ҳам юртимиздагина эмас, хорижда ҳам усталаримиз томонидан ясалган маҳсулотларга қизиқиш кучаймоқда, талаб ортмоқда. Айниқса, япониялик ганчкорларимиз бу соҳага жуда қизиқиб қолишди. Айни пайтда германиялик ишбилармонлар билан алоқа ўрнатаяпмиз.

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйи муносабати билан ҳунармандларга жуда катта эътибор қаратилди. Коба карвон саройи ҳунармандлар уюшмаси ихтиёрига берилди. Бу ерда кўргазма ташкил қилинди. Карвонсаройнинг 30 та ҳужрасидан 24 таси ҳунармандларга бўлиб берилди. Уларни ўз кучимиз билан таъмирдан чиқариб, замонавий қилиб жиҳозладик. Ҳатто «Интернет»га ҳам уландик. Айни пайтда уюшмамизда 300 га яқин ҳунарманд бор. Улар халқимининг азалий ҳунарларини давом эттиришмоқда.

Ниятларимиз кўп. Уларнинг амалга ошишига шубҳа йўқ. Негаки, мамлакатимизда ҳунармандлар эъзозда. Уларга талай имтиёзлар берилган. Биз мавжуд имкониятлардан фойдаланиб Қашқадарё халқ амалий санъатини янада ривожлантиришга ҳаракат қилаверамиз.

**Гулнора ОДИЛОВА,**
**республика «Ҳунарманд» уюшмаси Шаҳрисабз ҳудудий бўлими раиси.**

## Оналари соғлом, болалари дуркун

Мен асли Қуваданман. 1971 йили Шаҳрисабзга келин бўлиб тушганман. 15 йил туғруқхона бўлими бошлиғи, 16 йилдан буён эса марказий шифохона бош шифокориман. Биринчи доялик қилган чақалоғим 31 ёшга кирди. Шаҳрисабздаги оналарни ҳам, болаларни ҳам яхши биламан.

Мустақиллик йилларида оналар ва болалар соғлигини сақлаш йўлида кўп ишлар қилинди, қилинмоқда. Тиббиётда амалга оширилаётганислоҳотлар шаҳримизда ҳам ўз аксини топмоқда. Биргина мисол. Аввалари туғруқхона 25 ўринли эди. Ҳозир 120 ўринли, замонавий жиҳозларга эга. Шунинг учун оналар соғлом, болалар дуркун ўсмоқда.

Мен хорижда ҳам бўлганман. Шаҳрисабзни хорижда ҳам яхши билишади. Бундан ифтихор қиламан, ғурурланаман. Шундай жойда — улуғ зотлар яшаб ўтган қутлуғ масканда яшаш, ишлаш насиб этганидан худога шукур қиламан.

Шаҳрисабз халқи маърифатли, маданиятли, хушмуомала, назокатли ва нозик таъб. Билимга ташналиги, маърифатга чанқоқлигини айтмайсизми. Уларнинг суҳбатида бўлсангиз маза қиласиз. Айниқса, катта тўй арафасида давраларда тарихга оид кўп дилтортар гурунглар бўлди. Бу нимадан далолат беради? Халқимиз ўз тарихини теран англаётганидан. Бугунги куннинг қадрига тобора кўпроқ етаётганидан.

**Фотима БАДАЛБОЕВА,**
**Шаҳрисабз тумани марказий шифохонаси бош шифокори, Олий Мажлис депутати.**

## ҚАДИМИЙ ва НАВҚИРОН





Шаҳрисабз (Кеш) катта тўй арафасида янада чирой очди. Маҳобатли Оқсарой, ҳар бири ўзига хос Дор ут-тиловат, Дор ус-сиёдат, Гумбази сайидон сингари меъморий иншоотлар қўли гул усталар томонидан қайта таъмирланди, кўча ва хиёбонлар ораста қиёфага кирди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 14 октябрь куни бу ерга ташриф буюрганида, қилинаётган ишларни кўздан кечирар экан, ота-боболаримиздан мерос қолган нодир обидаларни келгуси авлодларга етказиш учун масъул эканлигимизни яна бир бор таъкидлаб, бу ҳақда йўл-йўриқлар берди.

Зеро, Шаҳрисабзда шўролар даврида ҳам кўп бўлганмиз. Ўша пайтда бу зиёратгоҳлар ярим хароба аҳволга келган, баъзиларининг гумбазлари йиқилиб тушганди. Дор ут-тиловат ва Дор ус-сиёдат мажмуалари ўртасида пастқам уйлар, деворлар, қинғир-қийшиқ кўчалар бор эди. Бугун бу ерда икки мажмуани туташтирувчи равон йўлкалар, хиёбонлар барпо этилган. Умаршайх мирзо мақбараси, Амир Темурнинг ўзи учун қурдирган сағана атрофи очилиб, мазкур иншоотларнинг пойдевори ўрни белгиланган. Илгари бу мақбара ва сағана харобалари тамомила тупроқ остида қолган, устида уйлар қурилиб кетганди. Қайси бир йили тепада ўйнаб юрган болалардан бирининг оёғи ногаҳон чуқурга тушиб кетади. Қадимшунослар текшириб, бу Амир Темур сағанасининг ер остки қисми эканлигини аниқлайдилар. Уйлар кўчирилиб, атроф текширилганда, Умаршайх мирзо мақбарасининг қолдиқлари ҳам топилади.

Мустамлакачилик даврида олиб борилган сиёсатнинг асл мақсади халқни ўз тарихидан мосуво қилиш, унинг миллий ғурурини синдириш эди. Шу сабабли тарих сохталаштирилди, озодлик учун курашган халқ қаҳрамонлари, миллат етакчилари номига тақиқ тамғаси урилди, муқаддас зиёратгоҳлар харобага айланди. Қабристонлар текисланиб, устига бинолар қурилди. Шаҳрисабздаги воқеа ягона эмас. Самарқанддаги машҳур Чокардиза қабристони ҳам бинолар остида қолган эди. Имом Мотуридий юбилейи муносабати билан қабристон ўрни ободонлаштирилиб, кўркам мақбара тикланганлиги аждодларимиз хотирасини эъзозлаш йўлидаги савоб ишларимиздан бири бўлди.

Шаҳрисабз ўз тарихи давомида кўплаб босқинларни, тараққиёт ва таназзул даврларини бошдан кечирди. У милоддан олдинги 328 йилда македониялик Искандар томонидан босиб олинди. Юнон солномачиси Арриан Искандар бу ерда бир қишни ўтказганлиги ва Сўғд ҳокими Оксиартнинг қизи Роксанага уйланганлигини ёзиб қолдирган.

Кеш милодий VI-VII асрларда Зарафшон ва Қашқадарё водийсини ўз ичига олган Сўғд давлатининг марказий шаҳарларидан бири бўлган. Афсуски, милодий VIII асргача бўлган ёзма манбалар ниҳоятда кам сақланиб қолган. Юнон, хитой ва араб сайёҳларининг солномаларидагина Кеш ҳақида баъзи маълумотлар қайд этилган. Масалан, Хитойдан Ҳиндистонга йўлга чиққан буддавий коҳин Сюан Цзянь милодий 629 йилда Кешда ҳам бўлган. Ўша даврда у анча ривожланган, каттагина шаҳар бўлган. Сайёҳ ўз хотираларида шаҳар билан боғлиқ кўпгина маълумотларни ёзиб қолдирган.

Араблар босқини даврида Кеш аҳли озодлик учун мардонавор жанг олиб борган. Тарихий манбаларга кўра, бир неча йил давомида қилинган ҳамлалар натижасидагина араблар уни эгаллашга муваффақ бўлганлар. Муқанна бошчилигидаги қўзғолон маркази ҳам шу ҳудудда бўлганлиги бежиз эмас.

VIII-IX асрларда Кеш йирик маданият марказларидан бирига айланади. Бу ердаги мадрасаларда машҳур уламолар дарс беради. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида бу ҳақда шундай ёзади: «Баъзи китобда манқул турурким, Кеш шаҳри бурун уламои Исломнинг ери эрмиш ва бузургвор муҳаддислардин уч имом анда ватан қилғон турурлар: бири Абу Муҳаммад (Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн) Наср (Ибн Ҳумайд) Ал-Кашший ва яна бири (Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий разийаллоҳи анҳум. Ул маҳалда олам аҳли масъала ва масоили диний учун атроф оламдин Кеш вилоятиға келур эрмишлар... Бу жиҳатдин Кешни «Қуббатул илм ва адаб» лақаби бўлуб турур».

Бу даврда Самарқандда қоғозсозлик саноатининг вужудга келиши Кешдаги илм ва маданият ривожига катта туртки берган. Фиқҳ, ҳадисшунослик мактаблари вужудга келган, тасаввуф ғоялари кенг тарқалган, ҳаттотлик санъати равнақ топган. Аммо мазкур асрларда яшаган кўпгина олим ва шоирлар ижоди бизгача етиб келмаган. Улар ҳақидаги маълумотлар асосан айрим тазкиралардагина сақланиб қолган.

1220 йилда бутун Мовароуннаҳр аланга ичида қолди. Мўғуллар босқини туфайли кўплаб нодир қўлёзмалар, қадимий обидалар нобуд бўлди. Асрлар давомида шаклланган илм ва маданият марказлари инқирозга юз тутди. Илм ва санъат аҳллари қўшни Шарқ мамлакатларидан бошпана топдилар. Кеш шаҳри ҳам бундан мустасно эмас эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши бутун Турон аҳлига нажот бағишлади. Айниқса, Шаҳрисабз ўз тараққиётининг юксак даражасига эришди. Бу ерда гўзал меъморий обидалар барпо этилди, ободончилик ва фаровонликни таъминлаш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида шундай ёзади: «Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур, тўққиз йиғоч йўлдур. Самарқанд билан Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Итмак добони дерлар. Сангтарошлик қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилуриға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди. Олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур. Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу бийикрактур. Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир Мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобири андадур».

Бу даврда Кеш Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарлардан бирига айланади. «Бобурнома»да қайд этилишича, у қўрғонининг катталиги жиҳатидан минтақада Самарқанддан кейинги ўринда турган. Шаҳар қалъа девори ва ҳандақ билан мустаҳкамланган. Бу даврда Кешда бўлган Испания элчиси Клавихо ўз хотираларида шундай ёзади: «Ушбу шаҳар текисликда жойлашган. Унинг барча томонларидан кўплаб ирмоқлар ва каналлар оқиб ўтади, шаҳар кўп сонли боғлар ва уйлар билан ўралган».

XVI асрда Шайбонийлар ҳокимият тепасига келгач, темурийлар даврида бунёд этилган иншоотлар қаровсиз қолади, уларнинг баъзилари вайрон қилинади. Амирлар тўхтовсиз Шаҳрисабз устига юришлар қилар, орадан сал ўтмай вилоят яна бўйсунмаслик йўлини тутар эди. Биргина Амир Насрулло 20 йил давомида Шаҳрисабзга 30 мартадан ортиқ ҳужум қилган. Натижада экин майдонлари пайғон қилинган, обидалар, сув иншоотлари бузиб ташланган. Энг муҳими, ташқи тижорат йўллари тўсилиб қолган.

Аммо босқинлар, жангу жадаллар ҳам халқнинг илм ва маърифатга бўлган интилишини тўхтата олмаган. Бу ерда бир қанча мадрасалар ишлаб турган, шоирлар, ҳаттотлар, мўйқалам усталари, ҳунармандлар фаолият олиб борган. XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида Мулла Қурбон Хиромий, Фараҳ Шаҳрисабзий, Равнақий, Гулшаний, Фақирий, Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий сингари шоирлар, Мирзо Юнус Шаҳрисабзий, Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзий, Имомуддин Шаҳрисабзий, Иброҳим Девона, Бобобек Иштибар, Абдумалик Шаҳрисабзий каби истеъдодли ҳаттотлар баракали ижод этганлар. Улар мумтоз адабиёт анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлар.

Шўролар тузуми Шаҳрисабз аҳли бошига янги офатлар ёғдирди. Даҳрийликни шиор қилиб олган «қизил»лар илм-маърифатли кишиларни қатағон қилдилар, араб ёзувидаги барча китоблар ёндирилди. Шоир Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий ўз хотираларида бу давр ҳақида шундай ёзади: «Кўк гумбаз масжиди қамоқхонага айлантирилди. Муллолар, ўқимишли одамларни келтириб қамай бошладилар. Мен яширинча Каттақўрғон шаҳрига қочиб кетдим. Аммо қизил аскарлар уйимни тинтув қилиб, неча йиллаб йиққан нодир қўлёзма асарларни олиб кетишибди. Аввал Каттақўрғонда, кейинроқ Самарқандда яшадим. Уй-жой, мол-мулким Шаҳрисабзда қолиб кетди. Аммо энг ачинарлиси китобларимнинг йўқолгани эди...»

Ҳа, Шаҳрисабз тарихи гоҳида қувончли, гоҳида аянчли воқеаларга бой. Неча асрларни кўрган обидаларгина уларга гувоҳ бўлган. Бугун бу воқеалар бизга худди афсонадек туюлади. Зеро, истиқлол шаҳарнинг қадим шавкатини қайта тиклади, унинг аҳлига тинч ва осойишта ҳаёт бахш этди. Соҳибқирон Амир Темур олти асрдан кейин яна ўз туғилган тупроғига қайтди. Оқсарой олдида унинг муҳташам ҳайкали тикланди, шаҳар Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Бугун Шаҳрисабз ўз тарихининг энг шонли саҳифаларига гувоҳ бўлмоқда. Шаҳардаги обидалар ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Бу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказиладиган юбилей тантаналари шаҳарни жаҳонга танитиш, бу ерга хорижий сайёҳларни янада кенгроқ жалб этишга хизмат қилади. Айни пайтда, у мамлакатимизда тарихнинг унутилган саҳифаларини тиклаш, аждодлар меросини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган катта миқёсли ишларнинг яна бир намойиши бўлади.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ.**

**Саҳифа учун масъул: Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.**

Олий Мажлисда



# Спортга эътибор — келажакка эътибор

*Кеча Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуннинг Самарқанд шаҳрида ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди. Йиғилишни қўмита раиси Нарзулла Жўраев олиб борди.*

Ижтимоий, сиёсий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган, ушбу қонун ижросини ўрганиш шуни кўрсатдики, Самарқанд шаҳрида бу масалага эътибор билан қаралмоқда. Кейинги пайтда 250 га яқин жисмоний тарбия жамоалари ташкил этилган. Улардан 64 таси умумтаълим мактабларида, 17 таси лицей, 19 таси коллежларда ва 144 таси меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 4 та стадион, 123 та спорт зали, 350 та спорт, 22 та футбол майдонлари, 24 та теннис корти ва 63 та кичик футбол майдонлари шаҳарликлар хизматида. Самарқандлик полвонлар орасида бир нечта Ўзбекистон чемпионлари ва халқаро мусобақалар совриндорлари етишиб чиқди.

Ўтган йилларда шаҳар ҳокимлиги ва спорт қўмитаси ташаббуси билан маҳалла жамоалари ўртасида "Оммавий футбол — гиёҳвандликка қарши"шиори остида мусобақа ўтказилди. Бу эса ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўчада спорт оммалашиб бораётганидан далолатдир. Шаҳардаги 200 дан ортиқ маҳаллаларнинг 32 тасида спорт базаси ташкил этилган бўлиб уларда 2,5 мингдан зиёд болалар спорт билан шуғулланаётир.

Айни пайтда шаҳарда энг замонавий, жаҳон талабларига жавоб берадиган "Делфин" сув ҳавзаси, "Сўғдиёна" спорт мажмуаси қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Бу иншоотлар спортчиларнинг ҳам, шаҳарликларнинг ҳам фахрига айланади.

"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"-ги Қонуннинг ижросини таъминлашда ютуқлар билан бир қаторда камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги таъкидланди. Олий ўқув юртларида спорт турлари бўйича тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари йўқ. Мактаб ўқувчиларининг атиги 14,6 фоизигина спорт тўгаракларига жалб этилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг 1-курс талабаларидан атиги 10 фоизигина спорт ўйинлари меъёрларини топширганлигини қандай баҳолаш мумкин? Жисмоний тарбия дарслари, спорт секцияларида шифокор-педагог кузатуви олиб борилмайди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф, мулоҳазалар айтилди, тавсиялар билдирилди. Келгуси йили ушбу масала бўйича Самарқанд шаҳрида семинар ўтказишга қарор қилинди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Қонун лойиҳаси – муҳокамада

# Статистика — ҳаёт кўзгуси

аълумки, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган эди. Бугунги кунгача амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, янгиланишлар, уни эркинлаштириш жараёни ушбу қонунни янгилашни тақозо этмоқда.

Янги қонун лойиҳаси бугунги кун талабидан келиб чиққан бўлиб, анча ихчамлаштирилган ва такомиллаштирилган. Амалдаги қонун 18 та моддадан иборат бўлса, ҳозир 16 тага келтирилган.

Қонун лойиҳаси бўйича қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман: Унинг 4-моддасидаги Давлат статистикасининг асосий принциплари қаторига **ўзаро алоқадорлик, сифатлилик, умумийлик** сўзлари қўшилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Статистик маълумотлар ҳодиса ва жараёнларнинг у ёки бу жиҳатини ифодалайди. Булар эса бир-бири билан узвий боғлиқ. Шунга мос равишда уни ифодаловчи маълумотлар ҳам бир-бирига боғлиқ бўлади. Шу туфайли давлат статистикасининг асосий принципларидан бири **ўзаро алоқадорлик** бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Статистик маълумотлар мазмуни жиҳатидан миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади. Статистика ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини ифода этиш билан бирга, унинг ҳар бир кўрсаткичи ҳам сифатли, яъни аниқ, тушунарли, таққосланган, бирор бир ижтимоий-иқтисодий жараён ҳақида тўлиқ маълумот бераоладиган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан Давлат статистикасининг асосий принципларидан бири унинг **сифатлилиги** бўлиши лозим.

Статистика бошқа ахборот манбаларидан фарқли ўлароқ, умумий макроиқтисодий кўрсаткичларни умумлаштиради ва уларнинг мамлакат миқёсидаги ҳолатини баҳолаш учун хизмат қилади. Шу жиҳатдан унинг асосий принципларидан бири **умумийлик** бўлиши мумкин. Чунки статистик маълумотларда умумийлик бўлмаса, макроиқтисодий жараёнлар тўғрисида яхлит хулоса қилиш қийин.

Айнан шу моддада бешинчи принцип сифатида **«қиёсламалик»** ибораси ишлатилган. Бу ифодада бироз бўлса-да ғализлик бор. Агар **«қиёсламалик»** сўзи ўрнига **«қиёсийлик»** сўзи ишлатилса фикрнинг равон бўлишига хизмат қилган бўларди.

Яна шу моддада Давлат статистикасининг асосий принциплари уч гуруҳга бўлиб кўрсатилган. Лекин уларнинг қайси принципга асослангани номаълум бўлиб қолган. Кейин, ушбу гуруҳларга киритилган принциплар мазмун жиҳатидан бир-бири билан мустаҳкам боғланган эмас. Шу туфайли уларни гуруҳларга бўлмасдан, алоҳида-алоҳида баён этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Қонун лойиҳаси 6-моддасининг тўртинчи банди бош қисмини қуйидагича ўзгартиришни тавсия қилардим: «молия, божхона, солиқ органлари, банк муассасалари, мулк шаклидан қатъий назар, бошқа идоралар ва хизматлардан...»

Шунингдек, Давлат статистикаси органларининг ҳуқуқларига қўшимча қуйидаги: «зарур бўлган ҳолларда, мулк шаклидан қатъий назар, барча юридик ва жисмоний шахслар фаолияти натижалари бўйича умумий ва танлаб кузатувлар ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга», деган бандни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг маълум қонуниятларини ўрганишда бу тадбир жуда муҳим.

Лойиҳанинг 7-моддасидаги Давлат статистикаси органларининг мажбуриятлари қаторига унинг ошкоралик принципларидан келиб чиқиб, қуйидаги: «Мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг умумлашган макроиқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлилини ҳар йили ҳудудлар бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш» деган бандни қўшиш лозим. Чунки бу кўрсаткич ҳеч бир фуқарони бефарқ қолдирмайди. Ижтимоий-иқтисодий аҳволимиздан воқиф бўлишга, шунга қараб иш услубини такомиллаштиришимизга ёрдам беради. Шу билан давлат статистикасининг ошкоралик ва очиқ-ойдинлик принциплари ҳам таъминланади.

Лойиҳанинг 8-моддасида келтирилган **статистика кенгаши** масаласи жамиятимизда янгиликдир. Аммо бу кенгаш давлат бошқарувининг қайси бўғинларида тузилиши тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Фикримизча, статистик кенгаш, давлат статистикаси органларининг барча бўғинларида ташкил қилинса ва бу лойиҳада белгилаб қўйилса, яхши бўларди.

9-модда Давлат статистикаси органларининг бошқа давлат органлари ҳамда юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлигига бағишланган. Бу моддада статистика органлари ҳуқуқлари ва ҳамкорлиги анча чегараланган. Чунки 6-моддада ушбу орган якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар билан ҳам муносабатга киришиши кўрсатилган. Лекин 9-моддада бу фикр ўз ифодасини топмаган. Шу боис ушбу модданинг номини қуйидагича: «Давлат статистикаси органларининг бошқа давлат органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги», деб ифодалашни таклиф қиламиз. Шунга мос равишда матнда ҳам тегишли жойларга жисмоний шахслар сўзини қўшиш лозим бўлади.

Лойиҳада Давлат статистика ишлари дастурини (10-модда) ким тасдиқлаши аниқ кўрсатилган, лекин ким томонидан ишлаб чиқилиши мавҳум бўлиб қолган. Чунки қонунда ваколатли орган дейилган. Бу ваколатли орган ким эканлиги аниқ кўрсатилса, деган фикрдамиз.

Умуман олганда мазкур қонун лойиҳаси бугунги кун талабидан келиб чиқиб тайёрланган ва бугунги янгиланишларни ўзида ифодалаган.

**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**

Тўртинчи ҳокимият: сўзда эмас, амалда



## Демократик жамиятда

# ЖУРНАЛИСТ КИМ?

Биз ҳар қандай демократик давлатда, фуқаролик жамиятида давлат ҳокимият тармоғи деб ҳисобланган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг жамиятда тутган ўрни, уларнинг вазифалари нималардан иборат эканлигини яхши биламиз. Ҳокимиятнинг бу тармоқлари ўзларига қонунлар асосида қатъий белгилаб қўйилган ваколатларини амалга оширадилар. Бундай жамиятда оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимият тармоғи сифатида эътироф этилади. Хўш, норасмий равишда эътироф қилинадиган тўртинчи ҳокимият фуқаролик жамиятида қандай мақомга эга бўлиши керак? Шунингдек, тўртинчи ҳокимиятни тўлақонли қарор топтиришда журналистлардан нималар талаб қилинади? — деган саволлар устида ҳам мушоҳада юритишимиз керак деб ўйлайман.

Яқинда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президентимиз И. Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" деб номланган маърузасида жамиятимизни ислоҳ қилиш борасидаги барча муҳим йўналишларни кўрсатиб бердилар. Жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб: **"Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга холис баҳо бериб бориши керак"** дея оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятида тутган ўрни қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб бердилар.

Бу масалани ўрганишда шу нарсага эътиборимизни қаратишимиз керакки, **оммавий ахборот воситалари бу — ҳар бир давлатнинг ўз иродасини ўтказишдаги асосий ҳокимият ресурсларидан биридир. Ва айни пайтнинг ўзида фуқаролик жамиятида фуқароларнинг давлат органлари устидан назоратини амалга оширувчи восита ҳисобланади.**

Демак, биз оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўхталар эканмиз, айнан шу икки нуқтаи назардан туриб уларга баҳо берсак ҳамда уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилайдиган бўлсак, **тўртинчи ҳокимиятнинг асосий вазифаларидан бири, бу — жамиятнинг икки таркибий қисми бўлган давлат ҳокимият органлари ва фуқароларни умумманфаат йўлида бирлаштиришдир.**

Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги тўғрисида гапирганимизда, биринчи навбатда давлат ўзининг ўтказаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий сиёсатини ёритиб бера олувчи, қолаверса, ўз фуқароларини давлат ва фуқаролар манфаатларига зид келувчи ғоялардан, унсурлардан ҳимоя қилиш учун ҳам ўз ахборот воситаларига эга бўлиши кераклигини ҳеч қачон инкор қилмаслигимиз керак. Чунки фақат оммавий ахборот воситаларидагина жамиятда мавжуд бўлган ёки юз бераётган ҳар бир масала, муаммо бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш, тўғри йўналишга бура олиш имконияти мавжуд. Ана шу имкониятлар ОАВига норасмий "тўртинчи ҳокимият" мақомини бериб, бугунги информацион, мафкуравий урушлар авж олган пайтда улар зиммасига катта масъулият юклайди.

Энди шу ерда оммавий ахборот воситаларининг кимлардан ва нималардан мустақил бўлиши кераклиги тўғрисида ҳам тўхталсак. ОАВининг мустақиллиги тўғрисида гапирганимизда, биз кўпинча ОАВ давлатнинг расмий ҳокимияти назоратидан мустақил бўлиши кераклигини тушунамиз ва бу ҳар доим ҳам тўғри эмас. Майли, давлат ҳокимияти органлари ОАВининг фаолиятини назорат қилмасин, лекин бу билан ОАВининг мустақиллиги тўла таъминланмайди. Бу ерда "назоратчи" вазифасини айрим шахс ёки манфаатдор гуруҳлар ўташи мумкинлиги эҳтимоли ҳам бутунлай йўқ бўлиши керак. Шундагина тўлиқ маънодаги мустақил ОАВ фаолияти таъминланиши мумкин.

Биз яқин қўшни давлатлардаги мустақил деб ҳисобланган ОАВи нечоғлик мустақил бўлганлигини кўриб турибмиз. Биргина Россияда ўзларини мустақил, деб эълон қилган оммавий ахборот воситаларининг кўпчилиги ҳеч қачон тўлиқ маънодаги мустақилликка эриша олгани йўқ деб бемалол айтишимиз мумкин. Улар номигагина мустақил бўлиб, амалда айрим манфаатдор гуруҳлар ёки шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиб, халқ ва давлат манфаати тўғрисида умуман қайғуришмаганди. Ўзларини "мустақил" деб ҳисоблаган ОАВ кимларнингдир сармояси, маблағи эвазига ҳукумат билан информацион уруш олиб борди. Бу эса "буюртма"лар асосида мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрлашнинг авж олишига олиб келди ва кўпчилик ҳолларда аҳолида ҳукуматга ишончсизлик кайфияти уйғонишига сабаб бўлди. Россиянинг "НТВ" яъни "Мустақил телевидение" телеканали билан бўлган машмашаларни мисол қилиб келтириш мумкин. "Мустақил" ОАВининг бундай "ўйин"ларидан фақат фуқаролар зарар кўрди ва давлатнинг халқаро майдондаги обрўсига путур етди, холос.

Мана шу ерда ОАВ, яъни тўртинчи ҳокимият вакили ҳисобланган журналист омили ишга тушади. Менинг фикримча, фуқаролик жамиятида журналист ОАВ қандай турида фаолият кўрсатишидан қатъий назар ўзининг қарашларини икки тамойил асосига қуриши керак. Булар: **давлат манфаати ва фуқаролар манфаати. Бошқа бир учинчи субъект манфаати ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Агар учинчи субъект манфаатлари тўғрисида гап борадиган бўлса, бу ОАВ ёки журналистнинг мустақиллиги тўғрисида ўйлаб ўтирмаса ҳам бўлади.**

Журналист ҳар қандай вазиятда жамиятнинг таркибий қисмларига нисбатан холис мавқени эгалласа, фуқаролар ва давлат ҳокимиятлари манфаатларини бирлаштирадиган энг оқилона нуқтасини кўрсатиб бера олиши мумкин бўлади. Бундай ҳолларда журналист виждон амрига бўйсуниши ҳамда ўзи ёритаётган мавзу, муаммо тўғрисида етук билим ва ахборотларга эга бўлиши керак. Шундагина **ОАВ фуқаролар ва давлат ҳокимияти манфаатларини мувозанатлаштириб, уларни умумманфаат йўлида бирлаштириб турувчи тўртинчи ҳокимият,** вазифасини тўлиқ бажарган бўлади. Бундан давлат ҳам, фуқаролар ҳам манфаатдордирлар.

**Обил САФАРОВ,**
**республика "Маънавият ва маърифат" марказининг етакчи мутахассиси.**

# Имкониятлар эшиги очиқ

*Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бозорларимизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янада рағбатлантириш бўйича ташланган дадил қадамлардан бири бўлди.*

Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси мазкур қарорларни ҳаётга татбиқ этишда янгича йўл тутаяпти. Қарорлардан келиб чиқадиган вазифалар, уларнинг моҳияти ва мақсадини барча фуқароларга, айниқса, тадбиркорлар, ишчи ва хизматчиларга тушунтириш мақсадида шаҳар ва туманлар маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла фаоллари, бозорлар раҳбарлари, корхона, ташкилотларнинг етакчилари, тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида турли семинарлар, кенгашлар ўтказилди. Ўз навбатида маҳаллий оммавий-ахборот воситалари орқали ана шу мавзуда ўнлаб эшиттириш ва кўрсатувлар берилди. Шунингдек, бозорлардаги таянч пунктлари ҳамда участка инспекторлари томонидан импорт маҳсулотларини сотувчи барча тадбиркорларга эслатмалар тарқатилди.

Бундай йўл тутишга ҳали ҳам орамизда қонун талабларини менсимайдиган тадбиркор ва ишбилармонлар учраб турганлиги сабаб бўлди. Қонунбузарлар ўз ишларининг охири войлигини яхши англаб етсалар-да, ҳар сафар нафслари йўлдан ураверади. Қисқа вақт ичида мазкур қарорларнинг ижроси юзасидан солиқ идоралари томонидан ўтказилган рейдлар натижасида етмиш миллион сўмлик ноқонуний равишда сотилаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдодан олиб қўйилди. Бу маҳсулотлар Судлар қарорига мувофиқ давлат фойдасига мусодара этилиб, сотувдан тушган маблағ бюджет ҳисобига ўтказилди.

Бошқаларга ибрат бўлиши учун айрим «тадбиркор»ларнинг қилмишларини ошкор қилиб ўтмоқчимиз. Бувайда туманилик «савдогар» А.Азим бозорда ҳеч қандай ҳужжатсиз, лекин Хитойда қачон, қандай қилиб тайёрлангани ноаниқ шакарни сотаётганида солиқчилар билан рўбару келди. Унинг «омборида» кўп эмас, оз эмас 2 миллион 700 минг сўмлик шакар бор экан. Энди ҳужжатсиз ширинлик сотиб бойимоқчи бўлган тадбиркор аччиқ қисматга дучор бўлди. Унинг тумандоши О. Абдураҳмон эса товарларнинг мамлакатимизга олиб келинганлигини тасдиқловчи ҳужжатсиз, устига-устак сифат сертификати бўлмаган 72 турдаги 400 минг сўмлик чет элда тайёрланган кийим-кечакларни сотмоқчи бўлганида қилмиши фош этилди.

Юртдошларимиз орасида юқоридаги қарорлардан сўнг импорт товар-маҳсулотлари камайиб кетар эмиш... деган миш-мишлар оралаб қолганлиги сир эмас. Бу уйдирма гапларни шу пайтгача ноқонуний тарзда савдо билан шуғулланиб, мўмай даромад топиб келган сохта тадбиркорлар тарқатаётгани маълум. Чинакам тадбиркорлар эса мазкур қарорлар импорт товарлари йўлига тўсиқ эмас, балки уларга ҳуқуқий кафолат яратиб бераётганини тўғри тушуниб, фаолиятларини жаҳон андозалари асосида давом эттирмоқдалар.

Мазкур қарорлар эълон қилингунга қадар рўйхатга олинган истеъмол товарларининг импорти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар сони бор йўғи 13 нафарни ташкил этиб, улар томонидан 135 миллион 503 минг сўмлик маҳсулотлар олиб келинган бўлса, орадан тўрт ой ўтиб, уларнинг сони 296 нафарга етди. Олиб келинган маҳсулот ҳажми 1 миллиард 253 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Амалга оширилаётган мазкур қарорлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тайёрловчиларга ҳам кенг имкониятлар яратиб бераяпти. Энди улар ҳам «олма пиш-оғзимга туш» деб қараб ўтиришгани йўқ. Аксинча, пештахталарини маҳаллий моллар ҳисобига тўлдириш тараддудига тушиб қолишди.

Фикримизнинг тасдиғини Қўқон шаҳридаги «Улуғбек» ҳиссадорлик жамияти мисолида кўриш мумкин. Мазкур жамият мамлакатимиздаги пайпоқ ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Лекин сўнгги йилларда корхона маҳсулотларини Хитойдан келтирилган арзон, лекин сифати паст, бунинг устига сунъий толалардан тайёрланган пайпоқлар сиқиб чиқара бошлади. Мазкур қарор эълон қилиниши билан корхонанинг ички имкониятлари ишга солинди, бозор талаблари, харидорлар истаги, таклифлари ўрганиб чиқилди. Натижа яққол кўзга ташланяпти. Энди нафақат Қўқон, Фарғона балки водийнинг барча бозорларида шу корхонада тайёрланган пайпоқлар билан савдо қилинаяпти.

Эркаклар кўйлаги ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Дилором» ҳиссадорлик жамиятида ҳам ишлар юришиб кетди. Тижоратчилар корхона билан бақамти ҳамкорлик қила бошлашди.

Қарор ва ижро

Кечагина четдан маҳсулот олиб келиб, енгил-елпи сотишга ўрганган тадбиркорлар секин-аста вилоятдаги корхоналарда, ҳунармандлар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни сотиш ҳадисини олишмоқда. Ҳозир вилоятдаги 2,5 мингга яқин тадбиркор маҳаллий шароитда тайёрланган моллар савдоси билан шуғулланяпти. Улар қисқа муддат ичида 439 миллион сўмлик ўзимизда ишлаб чиқарилган молларни харидорларга етказиб беришди.

Бу ишларнинг барчаси миллий валютамиз — сўмнинг қадри ва харид қимматини оширишга ижобий таъсир кўрсатяпти. Солиқчилар шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини қатъий назоратга олишган. Бугунги кунда 40 нафарга яқин солиқ тизими ходимлари жойлардаги инкассация гуруҳларида иштирок этишмоқда. Ўз навбатида ушбу қарорнинг моҳияти, иқтисодиётимизда тутган ўрни барча турдаги солиқ тўловчиларга тушунтирилаяпти. Ушбу қарор кучга киргач банк муассасаларига нақд пул тушуми анча кўпайди. Қарор ижроси юзасидан вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси, Марказий банк, Инкассация ва Молия бошқармалари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар белгиланганни катта самара бермоқда. Ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида 212 та нақд пул топширмаган хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказилиб, 195 ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Қува туманидаги қатор жамоа хўжаликларида ижарага берилган боғлардан тушган 34860 сўм нақд пул банкка топширилмай, ишлатиб юборилганлиги, Марғилон шаҳрида жойлашган «Сухайл» хусусий фирмасига қарашли АЁҚШда ўтказилган текширишда ғазнадаги 124 000 сўм нақд пул касса машинасига кирим қилинмаганлиги фош этилиб, улардан жарима ундирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорларини ҳаётга татбиқ этиш жараёни шуни кўрсатдики, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш, ижросини таъминлаш жуда муҳим. Чунки бу қарорлар ички бозорни ҳимоя қилиш, ички имкониятларни ишга солишга хизмат қилади. Фарғоналик солиқчиларнинг фаолияти буни яққол кўрсатиб турибди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Фуқароларнинг мурожаатларида бугунги кун нафаси уфуриб туради. Аҳолининг ўй-фикрлари, ният ва талаблари, жойлардаги камчиликлар, муаммолар ўз ифодасини топади.*

*Қаердаки, ариза ва шикоятларга эътибор билан қаралса, ортиқча оворагарчиликларнинг йўли тўсилади, сусткашлик, масъулиятсизликка ўрин қолмайди. Яна улар келгуси вазифаларни режалаштиришда ҳам қўл келади.*

# Ҳокимликка хат келди

## У жойлардаги муаммолар ечимига, инсонларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади

— Фуқаролар ҳар куни турли талаблар билан ҳокимликка ташриф буюришади, ариза ва шикоятлар юборишади, — дейди Навоий шаҳар ҳокимлиги масъул ходими Озодбек Миралиев, — жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 380 та хат тушди. Оғзаки мурожаатлар 183 тани ташкил этди. Шундан 101 таси юқори ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали йўлланган мурожаатлардир.

Менимча гап хатларнинг кўп ёки озлигида эмас. Муҳими одамлар ўзларини қийнаётган муаммоларни раҳбарларга очиқдан-очиқ айтишни ўрганишди.

Мурожаатларнинг кўпчилиги уй-жой шароитини яхшилаш, ишсизлик муаммоси, ижтимоий ҳимоя масалаларида. Ижро варақаларида эса талаб истаклар қондирилганлиги тўғрисида белги бор. Ёзма мурожаатларнинг 91 таси ҳал этилган. 193 фуқаро билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, тегишли йўл-йўриқлар берилган. 54 та хат назоратда турибди.

Ҳоким ёки ҳоким ўринбосарлари ҳузурига келган фуқароларнинг оғзаки мурожаатлари алоҳида варақаларда қайд этилади. 183 та мурожаатнинг 151 таси ўз муддатида ҳал этилган. Ўрганиш талаб этиладиган аризалар узоғи билан бир ой ичида кўриб чиқилган. Айрим бахсталаб масалалар бўйича махсус комиссиялар тузилиб, аниқ хулосалар асосида қарорлар қабул қилинган.

Вилоят ҳокимлигидаги мутасаддилар Навоий шаҳар ҳокимлигида амалдаги қонун талаблари ижросига жиддий эътибор қаратилаётганлигини билдиришди. Чиндан ҳам шундай. Ҳафтанинг биринчи куни ўтказиладиган "ҳокимлик соати" хат ва мурожаатлар билан ишлаш масаласидан бошланади. Дастлаб хат ёки аризалар тақдири ҳақидаги ахборот тингланади. Тегишли чора-тадбирлар белгиланади.

Тан олиш керак, фуқароларнинг мурожаатларига панжа ортидан қараётган корхона, ташкилот раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Жойида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳокимликкача ва ундан ҳам юқори ташкилотларга етиб бораётганлиги ана шундан далолат бермайдими? Масалан, "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли уйда акаси Т.Исаев билан яшаб келган Хатира Исаева бир неча йиллан бери уй-жой навбатида турибди. Аммо акаси бошқа жойга кўчиб кетгач, иккинчи гуруҳ ногиронини уйдан кўчириш ҳақида қарор қабул қилинган. Унинг мурожаатлари узоқ вақт эътиборсиз қолган. Шаҳар ҳокимлиги аралашувидан сўнг масала ўз ечимини топди. Ибн Сино кўчасидаги ётоқхонада яшовчи Парда Каримовнинг аризаси ҳам шу йўсинда ҳал этилди. Пенсионерга моддий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Ишга жойлашиш учун иш қидириб ҳокимликка мурожаат этганлар ҳам анчагина. Ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланганлар кўпчиликни ташкил этади.

Аризаларнинг 58 таси тадбиркорлардан эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар шаҳар ҳудудида савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат нуқталари қуриш учун жой ажратишларини сўрашган. Аксарият илтимослар қўллаб-қувватлангани туфайли шаҳарда хусусий қурилишлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Маълумки, ҳар қандай ариза ёки шикоят қуйи бўғинлар орқали ҳал этилади. Гоҳида маҳаллий идоралар четлаб ўтилиб арзимаган масалалар юзасидан пойтахт идораларигача арз қилиш ҳолатлари йўқ эмас. Жумладан В.Булат кўчаси, 20-уйнинг квартира типидаги хонасида яшовчи Бахтиёр Тошниёзов уй-жой шароитининг талабга жавоб бермаслиги, қийин аҳволда яшаётганлиги ҳақида юқори ташкилотларга 7 марта хат йўллаган. Аслида эса шикоятчи анча қулай шароитда ҳаёт кечираяпти. Уй-жой бўйича ундан олдинда навбатда турганлар орасида ногиронлар, ўта муҳтож инсонлар борлиги билан ҳисоблашишни хоҳламайди.

Ёки "Янгиариқ" кўчасида яшовчи Рисолат Қаҳҳорова квартира сўраб юқори органларга хат ёзишдан чарчамаяпти. Ер участкаси таклиф этилса кўнмайди. "Норозиман" деб яна хат ёзаверади. Тўғри қаерга, қай мазмунда мурожаат қилиш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи. Аммо ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан бўлса ҳам ниятига етиш инсофдан эмасда.

— Қабулга келаётган фуқароларнинг кўпчилиги ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла билмасликлари, мавжуд қонун қоидалардан бехабарликлари сезилиб турибди, — дейди ҳокимлик девони ҳуқуқшуноси Холмурод Эсанов. — Ёзма мурожаатларда ҳам шунга дуч келаверамиз. Тўғри, мулоқотлар чоғида фуқароларнинг ҳуқуқий савиясини оширишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Кўпдан-кўп чигаллик ва англашилмовчиликлар бартараф этилмоқда. Барибир бу борада ҳали кутилган самарага эришилгани йўқ.

Шу ўринда Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаси бўйича ўз фикримни айтмоқчиман. Лойиҳада фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш анча такомиллаштирилгани диққатга сазовар. 8 та янги модданинг қўшилиши ҳам унинг қамрови кенгайишига ёрдам беради. Лойиҳа ҳокимликнинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди. Ҳар бир маҳаллада йиғилишлар ўтказиб, фикр-мулоҳазаларни жамлаяпмиз. Шахсан менинг фикрим IV боб 18-модда ҳақида. У "Мурожаатларни кўриб чиқишда шахсан иштирок этиш", деб номланган. Аммо кейинги матнда фуқароларнинг шахсан иштироки ҳақида сўз билдирилмаган. Ўйлайманки, муҳокамалар давомида мавҳумликка ўрин қолмайди. Янги қонун лойиҳаси такрорий мурожаатлар сонини камайтиришга хизмат қилиши табиий.

Хат ортида инсон тақдири бор, деймиз. Ҳеч ким бекорчиликдан мурожаат этмайди. Мурожаат этдими, масала қонуний ҳал этилиши керак ва бундан у қониқиш ҳосил қилсин. Кейинги вақтда шаҳарда маҳаллий бошқарув идоралари, корхона, ташкилот, муассасаларда фуқаролар мурожаатларига эътибор ошгани сезилиб турипти. Ноқонуний, ҳуқуқий асосланмаган шикоят ва аризалар сони анча камайди. Лекин қилинган ишлардан қониқиш ҳосил қилишга ҳали эрта.

Биз аҳоли билан очиқ мулоқотга тайёр турмоғимиз лозим. Маҳаллаларда, корхоналарда бу борада тез-тез йиғилишлар ўтказишнинг нафи бор. Фуқароларнинг иссиқ-совуғи, ташвиши ва қувончлари билан яшаш, адолатга таяниб иш тутиш фаолиятимизнинг бош мезони эканини унутишга ҳаққимиз йўқ.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Ўзбекистон — Франция:

# Молиячилар ҳамкорлиги

Мамлакатимизга Франция давлат ғазнаси Бош директори Жак Бассэр бошчилигидаги ушбу давлат Иқтисод, саноат ва молия вазирлиги делегацияси ташриф буюрди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва вилоят молия бошқармаларида учрашувлар ўтказилди.

Учрашувлар чоғида "Давлат молиявий бошқаруви ислоҳоти" лойиҳасини тайёрлаш ва амалга оширишда техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидлаш жоизки, Молия вазирлиги ва Франция Иқтисодий ва молиявий технологиялар соҳасидаги алмашувларни ривожлантириш бўйича ассоциацияси (АДЕТЕФ)нинг биринчи делегацияси Ўзбекистонга 2001 йил май ойида ташриф буюрган эди. Ўшанда Франция томони Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижро этиш тизими билан танишган, ҳамкорлик, шу жумладан Ўзбекистонда хазиначилик тизимини яратишда техник ёрдам кўрсатиш чегаралари келишиб олинган эди.

Бундай ҳамкорлик доирасида француз томони республикамизнинг барча ҳудудларидан келган етакчи мутахассислар учун семинарлар ташкил этди. Уларда ғазначилик тизимини яратиш ва ислоҳ қилиш, Ягона ғазначилик ҳисоби ва Франция ғазначилигида қўлланаётган АСТЕР дастуриининг фаолият тамойиллари муҳокама этилди. Франция томони ушбу дастурни беғараз ёрдам тариқасида беришга тайёр.

2003-2005 йилларда Франция ғазначилик тизимида республикамиз молия соҳаси мутахассислари, бухгалтерлар ва ахборот технологиялари мутахассислари учун қисқа муддатли семинарлар ташкил этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Молия вазирлиги матбуот хизматидан хабар беришларича, мазкур ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Франция Иқтисод, саноат ва молия вазирлиги ўртасида баъзи муҳим масалалар юзасидан келишиб олинди ҳамда 2003-2005 йилларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида идоралараро битим имзоланди.

Икки давлат вазирликлари ўртасида шаклланган ҳамкорлик техник ва молиявий кўмак соҳаси ва кўлами кенгайишига, технологик, иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича тажриба алмашувни янада ривожлантиришга ҳамда "Давлат молиявий бошқаруви ислоҳоти" дастурини амалга оширишга хизмат қилади.

(ЎзА).

# Катта миқдорда жарима солинди

*Европа комиссияси "Sothebys" йирик кимошди савдо уйига унинг рақобатчиси "Christles" билан тил бириктирганлиги учун 20 миллион евродан зиёд миқдорда жарима солди.*

*"BBS NEWS"нинг хабарига кўра, улар комиссион тўловлар миқдорини сунъий ошириш, бир хил нарх сиёсати юритишда ва сотувчиларни алдаганликда айбланган. Улар ўртасида тузилган шартнома рақобатли фаолият юритиш қоидаларига зид деб топилган.*




# Мудофаа вазири истеъфога чиқмоқчи

*Исроил мудофаа вазири Беньямин Бен-Элиезер истеъфога чиқиш ҳақида ариза ёзиб мамлакат бош вазири Ариэль Шаронга топширган. Бунга Исроил Меҳнат партияси (Авода) депутатларининг 2003 йилги давлат бюджетини қўллаб-қувватлашдан бош тортганлиги сабаб бўлди.*

*Шундай қилиб, йирик коалицион блок "Авода" миллий бирлик ҳукуматини тарк этмоқда, деб хабар беради "Haaretz".*

*Бундан бир неча кун аввал "Авода" МҚ ўз мажлисида давлатнинг янги йилдаги бюджетини антиижтимоий деб баҳолаган эди. "Авода" фаолларининг фикрича, бюджетда кам таъминланган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга кам эътибор қаратилган. Шунингдек, "Авода" талаба ва пенсионерларнинг нафақаларини кўпайтиришни талаб қилган. Маълумотларга кўра, Исроил парламенти (КНЕССЕТ) "Авода"нинг ҳукумат таркибидан чиқишига қарамай келгуси йилнинг бюджетини биринчи ўқишда қабул қилган.*

# ИРА мурожаатномаси




*Ирландия республика армияси Британияга қарашли ҳудудлардаги жангариларини қуролсизлантиришни назорат қилувчи халқаро орган билан алоқаларини узишини таъкидлаган, деб хабар беради "Рейтер" агентлиги.*

*ИРА Британиянинг Шимолий Ирландияда тўғридан-тўғри бошқаришни жорий қилганлигидан норозилик билдирган, лекин 1997 йилда ўт очишни тўхтатиш келишуви ўз кучида қолишини таъкидлаган. "Тинчлик ўрнатиш жараёнида томонлар ўртасида ўзаро ишончни вужудга келтириш Британия ҳукумати зиммасида ва бу мақсадига у ўз мажбуриятларига тўла риоя қилсагина эришади" — дейилади ИРАнинг мурожаатномасида.*

# Тушунмовчиликлар сақланиб қолмоқда

*Германия БМТнинг Ироққа нисбатан "қатъий мурожаатномаси"ни қўллаб-қувватлайди, аммо Берлин ва Вашингтон ўртасида "ҳарбий амалиётлар бўйича мунозаралар сақланиб қолмоқда. Германия ташқи ишлар вазири Йошко Фишер АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан ўтказган учрашувдан сўнг ана шу ҳақда маълум қилган. "РИА" НОВОСТИ" агентлигининг маълумотига кўра, музокаралар давомида Фишер ва Пауэлл халқаро террорчиликка қарши кураш, НАТОнинг сафини кенгайтириш, Яқин Шарқдаги вазият ва Ироқ атрофидаги аҳвол масалаларини муҳокама қилишган.*

# Римнинг фахрий фуқароси

*Рим ҳокими Вальтер Велтрони Рим папаси Иоанн Павел IIни шаҳарнинг фахрий фуқароси деб эълон қилди. Рим папасига фахрий фуқаро унвонини бериш ҳақидаги қарор шаҳар кенгаши томонидан бир овоздан маъқулланди.*

*"РИА Новости" агентлигининг маълумотига қараганда, Павел IIнинг Рим фахрий фуқароси бўлишга розилик бергани тарихий воқеа деб баҳоланган.*

# Москвада қандай газ ишлатилган?



Москва шаҳридаги театр марказида гаровга олинганларни озод қилиш амалиётларида фентанил асосида олинган газ ишлатилган.

Россия соғлиқни сақлаш вазири Юрий Шевченко ана шу ҳақда маълум қилган.

"РИА" Новости" агентлигининг хабарига кўра, вазир фентанил даволовчи дори-дармонлар таркибига киради ва ўлимга олиб келмайди деб таъкидлаган. Шевченконинг айтишича, амалиёт пайтида одамларнинг ҳалок бўлиши, кислород танқис бўлганлиги, сувсизлик, очлик, ҳаракатлар чекланганлиги ва кучли руҳий толиқиш оқибатида юз берганлигини қайд этган.

Россия ташқи ишлар вазири вакили Александр Яковенконинг таъкидлашича, амалиёт пайтида ишлатилган махсус восита кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги халқаро конвенцияга зид эмас.

# Умрбод қамоқ жазоси

Франция суди жазоирлик Буалим Бенсаид ва Смоина Оита Али Белқочимнинг 1995 йили Парижнинг йўловчи транспортларида амалга оширган қўпорувчиликлари учун умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилган. «Би-Би-Си» маълумотига кўра, ўша террорчиликлар оқибатида 8 киши ҳаётдан кўз юмган ва 200 нафарга яқин киши жароҳатланган эди.

# Қайси сайёранинг йўлдоши кўп?

*Олимларнинг халқаро гуруҳи Уран сайёрасида янги йўлдош топилганини эълон қилишган. Шундай қилиб, қуёш тизимидаги еттинчи сайёра "ой"ларининг сони 21 тага етди.*

*Мутахассисларнинг фикрича, "S/2001 U1" деб номланган йўлдош йирик объектларнинг тўқнашиши оқибатида пайдо бўлган ва ҳозир қуёш тизимида шаклланиш жараёнида.*

*"NEWS.ru"нинг маълумотига кўра, қуёш тизимидаги йўлдошларга эга бўлган сайёралар ичида Уран учинчи ўринда туради.*


«MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради. КАТАЛОГ бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.

Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.






Манзилимиз: Д. Кўнаев (с. Саперная) кўчаси, 46-уй.
Телефонлар: 111-14-44, 152-75-94.
E-mail: maxima@online.ru

6464/1950



ТОШКЕНТ ВА САМАРҚАНДДА БЕПУЛ УЛАНИШ 1 НОЯБРДАН БОШЛАНДИ!

GSM

ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ

(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган), 2002 йил 1 ноябрдан бошлаб амал қилади

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови (АҚШ долларида) | Кириш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) | Чиқиш алоқаси баҳоси (АҚШ долларида) |
|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2,0 | 0.08 | 0.10 |
| Престиж | 125,0 | Бепул | |

Илова:

«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга

ЯҚИНДА!
ҚИСҚА ХАБАРЛАР ЮБОРИШ ХИЗМАТИ,
ХАЛҚАРО РОУМИНГ!

ҚУВОНЧ БАРЧА УЧУН!

ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ



Тошкентдаги сервис маркази манзили:
Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй («Лабзак»)
Кечаю-кундуз маълумотлар хизмати:
130-09-09, 131-09-09
«Уздунробита» ҚК телефонларидан — 611
Биринчи уяли алоқа

ЎзПва ТА РТ №0000283

UZDUNROBITA
first cellular

6481/2226



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«ТУРИЗМ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ»

КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИНИНГ

2002 йил 2 октябрдаги 4-сонли баённомасига асосан туризм фаолияти учун берилган қуйидаги корхоналар лицензияси амал қилиши тугатилади:

| | Фирма номи | Лицензия рақами |
|---|---|---|
| 1. | «RT-USA» шўъба корхонаси | 029-00 |
| 2. | «QIZIL ELKAN» масъулияти чекланган жамияти | 449-99 |



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
256-хона


Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти жамоаси институтнинг илмий ишлар бўйича раҳбар муовини Абдулазиз Аббосовга турмуш ўртоғи

**Назирахон АББОСОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзкартошканавуруғлари» фирмаси «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси А.Аюповга волидаи муҳтарамаси

**ҚУНДУЗХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси ноорганик моддалар технологияси кафедрасининг доценти Шавкат Ёқубовга волидаи муҳтарамаси

**ЗУЛФИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Дийдорлашув

*Водийга бу сафар Катта Карвон бўлиб бордик. Тонг азонда пойтахтимиздан чиқиб, Қамчиқ довонидан ошиб, маданият ва маърифат бешиги бўла келмиш Қўқоннинг муборак тупроғига қадам қўйгунимизча, турна қатор бўлиб бораётган машиналарга кўз тикиб, кузатаётган кишиларнинг адади йўқ эди. Улар чамаси бизни ё келин узатиб, ё келин тушириб келгани кетаётир, деб ўйлар эдилар. Шубҳасиз, Анвар Обиджон билан каминага кўзи тушган ёшу кексалар:*

*— Бу қадди-қомати келишган йигитларни туққан оналарнинг армонлари бормикин? Шаҳзода сифатли бу йигитлар, эҳтимол, эгизакдир. Ҳасан-Ҳусандир, — дейишлари аниқ.*

# Мушоира этади давом



Бегойимларни айтмайсизми?

***Қўқонжонда бир ҳовли***
***бор анжирли***
***Қачон борсам дарвозаси***
***занжирли***

сингари куйдирмажон қўшиқлар ёзган Фарида Афрўз. Кўҳна Шошнинг машҳур академик шоири Ғафур Ғуломнинг бир мамлакатга бергусиз ижодкор қизи Олмосхоним, Мирзайи азимликларнинг пешоналарига яраша битган она қизлари Ҳалима Худойбердиева. Йўлбошчимиз ҳам, ўдоғамиз ҳам Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов. Жуманиёз акани зериктирмай гап бериб кетаётган, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим. Кейинги машинада эса улуғ Эргаш Жуманбулбул ўғли сув ичган дарёлардан қониб-қониб ича келган, ҳам кеча келган оқин табиатли Азим Суюн. Шоирлиги билан нотиқлиги қўшила тушиб бир дарёга айланган, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матчон ҳақида тўлқинланмасдан гапиришнинг ўзи гумроҳлик. Юриш-туриши теран дарёларни эслатувчи Тошпўлат Аҳмад Бухорои шарифий ҳам шу сафда. Азал-азалдан маърака-маросимларда ош шоирлардан олдин уламоларга тортилганлигининг сабабини биларсиз. Маъмуржон Узоқовнинг ашулаларини эшитиб, қанчалик роҳат қилсангиз, ёзган тақриз ва тазкираларини ўқиб шунчалик баҳра оладиган адабиётшунос, сиёсатшунос Иброҳим Ғофур ўғли ўз хаёли билан банд. Сифат ва суратларига донишмандлик аломатлари яраша тушмиш ҳам шоир, ҳам олим Матназар Абдулҳаким Хоразмий афандининг янги асар устида ишлаётгани юриш-туришларида белги бериб туради. Тўкис лутфи ила барчани лол айлагувчи Раҳмон Кўчқор,

***Мен ишқ элининг нолаю***
***афғонида куйдим,***
***Кўнгил уйининг оташи***
***армонида куйдим.***

дея ҳам куйдирадиган, ҳам суйдирадиган шеърлар ёзиб, кишининг бир қадар бахиллигини келтириб юрадиган шоир Сирожиддин Саййид. Унга бу сафар асносида фармонбардорлик лавозими мақомида иш кўриш ҳуқуқи берилган. Барчамиз учун ҳар бир гапи — гап, вожиб.

Яна ажаб насрий асарлар битиб, ўз йўлини топиб олган Собир Ўнар, асарлари ҳақида адабиётшунос олимларимиз ҳозирданоқ илмий ишлар қила бошлаган Турсун Али, ўз сасига, шифобахш нафасига эга бўлган дилбар шоир Иқбол Мирзо, тизмаларининг мағзи тўқлиги, қусури йўқлиги билан назмгўй дугоналари орасида алоҳида ажралиб турадиган қизимиз Гулжамол, қораламаларидан боғларимизнинг, тоғларимизнинг кўрки, тароватi белги бериб турадиган Маҳмуд Тоир, бироз қийин халқона йўлни танлаган Рустам Мусурмон, Мурод Абдулло.

"Муҳаббат мадҳияси" ("Биринчи муҳаббатим"). Бу шеър ёшларимизнинг чинакам ошносига айланди. Тўй-томошаларимиз бу мадҳиясиз очилмайди ҳам, ёпилмайди ҳам. Айтилмагудай бўлса, ёшлар "дод!" деб юборади. Шеър муаллифининг шу турнақатор машиналарнинг бирида кетаётганлигини йўл яқоларида турган, юрган кишилар билганларида нима бўлар эди? Ёшу кекса атоқли шоирларининг йўлларига гулдан, гиламдан поёндоз тўшардилар. Пойи қадамларига боғловда турган чори бўлса чоридан, шиш бўлса шишдан қон чиқазиб, тўн ёпишарди. Қариялар шу куни туғилган набираларининг исмини Абдулла қўйган бўлар эдилар. Гап Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориф ҳақида бораётир.

Бир сўз билан айтганда, машина ичидагилар пахта теримининг авжи қизиган чоғларида водий пахтакорларини ҳорманг-бор бўлинг, қилгани, Қўқон ва Фарғона шаҳарларида, Олтиариқ, Данғара, Учкўприк туманларида бўладиган шеърият байрамига, назм ва наво кечаларига қатнашгани бораётган шаккаргуфторлар эдилар. Сўз мулкининг беклари, бийлари, бўлислари, ҳаким ва ҳакамлари эдилар.

Шундай қилиб дўстлар диёридамиз. Кўҳна Хўқонди латиф тупроғидамиз.

Водийликларнинг болалари ё қўшиқ айтиб, ё ғазал ўқиб туғиладй, деган гап бор. Катта бир анжуманда — шеърият байрамида Абдулла Орифнинг уюшмамизга шоирлик даъво қилиб борувчиларга Қўқонга бориб қўқонликларга шеърларингни маъқул қилиб кела олсанг, демак сен шоирсан, — деган гапларини одамлар оёққа туриб олқишладилар.

Машҳур (дунёвий) кишиларнинг, улуғ зотларнинг ҳам водийдан чиқишларида бир сир бордай: Овозлари беназир ва бетакрор деб тан олинган Маъмуржон Узоқовни гўдаклигида оналари ҳеч қачон бетаҳорат эмизмас экан. Айтишларича, Чўлпоннинг бешигига қарчиғай қўнган экан. Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг таваллуд топишларидан аввал оталарининг тушларига қирқ дарвеш кириб, туғилажак ўғилларининг доврuғли бўлишларини башорат қилган экан.

Бир пиёла чойдан сўнг бўлиниб-бўлиниб шаҳар ва шаҳар атрофидаги хўжалик меҳнаткашлари, ўқув юрти талабалари, зиёлилар билан бўладиган учрашувларга отландик. Каминанинг чекига шаҳардаги пайпоқ фабрикасининг ишчилари билан учрашув тушди. Тўғриси, уларнинг феъл-атворлари, касбкорларини унчалик яхши билмас эдим. Қандай бўларкин... Менинг тўмтоқлигимни ҳамроҳларим тўғриладилар, айбимни ёпдилар. Анжуман асосан ёшлардан иборат эди. Олдинги қаторда беш-олти қария — шу фабриканинг фахрийлари. Демак икки авлоднинг ҳам кўнглини топиш, уларнинг ёшларига, дунёқарашларига мос тушадиган шеърлар ўқиш керак. Олимқул додҳонинг набираси, "Муштум"чи машҳур шоир, Жавдод Абдулла ўғли, темирйўлчи шоир, полковник Мансур Абдулло даврани олиб борди. Уни шоирларнинг полковниги деса ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи кетмас экан. Абдуллажон ошиқона, ҳам орифона янги ғазаллар ўқиди. Адабиётимизга саксонинчи йиллари сойдай шарқираб, анҳордай тўлиб-тошиб кириб келган, чапани табиатли Мақсуда Эгамбердиевага навбат келганида, залдагилар бир қўзғала тушдилар. "Фарғона" нашриётида Мақсуданинг янги шеърий тўплами чиқибди. "Диёримга кўзинг тегмасин" номли. Шоиранинг шеърлари ҳам ўзига ўхшаган жанговар, жўшқин, забтли, тафтли, тортимли эди:

***Мен йўлдаман, йўлларим***
***Олис, тугамас, узоқ.***
***Милтираб кўринмоқда***
***Узоқларда бир чироқ.***

Марғилон ипакчилик мактабининг асосчиларидан бири Иброҳим мулкдорнинг қизи Муҳаббат Иброҳимова ҳам ўз маҳоратини намойиш этди.

Фабрика ишчилари орасида шеър билан гапириб, шеър билан ишлайдиган ёшлар ҳам кўп экан. Дилшода, Замира, Диёржон, Пўлатхон... Ҳадемай улар ҳам бўй кўрсатиб, кўзга кўриниб, тилга тушиб қолишлари аниқ.

Анжуманнинг каттаси кеч кирганда шаҳар марказидаги "Шоирлар хиёбони"да бўлди. Тўпланган кишини кўриб кишининг ақли шошар эди.

Даврани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлимининг масъул котиби, шоира Энахон Сиддиқова бошқариб борди.

Улус кимни алқаб, кимни олқишлашни жуда яхши билади. Сўз Абдулла Орифга берилади. Шоир мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига бағишланган бу назм ва наво кечасининг Фарғона боғларига, осмонига нечоғли яраша тушгани, болаларининг танглайи шеър, қўшиқ, пахта, меҳнат, муҳаббат билан кўтариладиган водийликларнинг беназир ва бетакрор феъл-атворлари, фазилатлари ҳақида ҳаяжон билан гапирди. Уларнинг бу йил уяжак ҳосил хирмонларига, умрларига барака тилади. Сўнг Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов, Исмоил Маҳмуд, Дилбар Ҳамзахўжаева, Ҳабибулло Саидғани ва бошқа ёш шоирларнинг шеърлари, Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасиновнинг хонишлари янгради.

Олтиариқ Эркин Воҳидов бузрукларининг киндик қони тўкилган муборак маскан. Табобат дунёсининг улкан даҳоларидан бири Восит Воҳидов одамзотнинг юрагини даволарди. Эркин Воҳидов эса инсон боласининг руҳиятини даволайди.

Анжуманни туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Нуъмонжон Омонов очиб, олтиариқликлар номидан меҳмонларнинг бу ерга алоҳида келганликлари учун миннатдорчилик билдириб, туман меҳнаткашларининг амалга оширажак ишлари ҳақида сўзлади. Сўнг Абдулла Орифга гал берди. Гап асосан олтиариқликларнинг фарзанди, фахри Эркин Воҳидов тўғрисида кетди. Мушоирани бошлаб берган Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ҳам, Омон Матчон ҳам, Иқбол Мирзо ҳам унинг адабиётимизда тутган ўрни, мавқеи, мартабаси ҳақида гапирдилар. Мабода "Юрак остонаси" тўплами қўлингизга тушса, бир кўздан кечириб чиқинг-а. У китоб эмас, Шуҳрат Аҳмедовнинг юрагидан отилиб чиққан гўзал-у, бетакрор қўшиқ.

Вақт пешинга дахлдор бўлиб бормоқда эди. Гурунг эса қизиғандан қизиб борадй. Бироқ олдинда ҳали қилар ишлар бор. Мушоиралар бор. Мезбонларга миннатдорчилик билдириш, хайр-хўшлашиш учун Абдулла Ориф сўз сўрайди:

— Биз келиб-кетувчи меҳмонлар тоифасидан эмас. Чунки адабиётимизнинг бир қалъа — қўрғони Олтиариқда. Яъни Эркин аканинг таваллуд топган муқаддас даргоҳи. Шунинг учун Олтиариқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ўрдаси ҳам ҳисобланади. Уюшмамиз аъзоларининг деярли ўндан бирини олтиариқликлар ташкил қилади. Демак бир қадамимиз ҳамиша шу ерда. Ҳамиша хизматларингизга шаймиз. Яхши кунларда юз кўришайлик.

Фарғона Давлат университетининг мажлислар зали. Одам деганингиз тирбанд. Ҳаяжонли дақиқалар. Мушоирани университет ректори Аҳмаджон Ўринов Эркин Воҳидовнинг шеърини ёддан ўқиб бериш билан бошлаб беради:

***У дунёга келиб ташвишнинг***
***Орқасидан елиб-югурди.***
***На сўнггига етолди ишнинг***
***На дунёни англаб улгурди...***

Минбарда Усмон Азим, Омон Матчон, Ҳалима Худойбердиева... Университет талабалари. Чамамда, улоқ Омон Матчонда кетди. Эски дардим — бахиллигим бош кўтариб, қайталаб қолгандай бўлди. Салнарида ўтирган Омон Матчонга бир энлик қоғоз узатдим:

***Бўлсанг Тўра Султон бўл,***
***Омон Матчон бўлмагил,***
***Қойил қилиб шеър ўқиб,***
***куйдирмажон бўлмагил.***

Омон Матчон ҳам шу заҳоти хатга жавоб қайтара қолди:

***Бўлсанг Омон Матчон бўл,***
***Т.Сулаймон бўлмагил,***
***Дудуқланиб шеър ўқиб,***
***дилда армон бўлмагил.***

Мушоира поёнига етгач, университет залида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда шоирлардан Баҳодир Исо, Дилбар Ҳамзахўжаева ҳамда адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов уюшма аъзолигига қабул қилиндилар.

Шундай қилиб, Фарғонадан кўнглимиз равшан бўлиб қайтдик. Бу — истиқлол шарофати. Бу — ўзлигимизнинг ўзимизга қайтиши. Буюк Чўлпоннинг Ўлка дегани биргина Фарғона эмас, Ўзбекистон дегани эди. Қадимий Турон-Туркистон дегани эди. Бизнинг ҳам Фарғона деганимиз водий деганимиз. Ўз туғига, туғросига,ўз мулкига, ўз муҳрига, ўз тахти-пойтахтига эга бўлган, ўз яловбардорларига, ўз Президентига эга бўлган Ўзбекистон деганимиз.

Ой осмонимизни оқшом ёритса, Офтоб кундузимизни мунаввар этиб туради. Ўзбекистон! Сен кунда ҳам, тунда ҳам ичи-ташимизни ёруғ қилиб турадиган Она-Ватансан! Улуғ Туркистонсан. Сен биз билан тақдирдошсан. Саждагоҳимизсан. Таърифлаш деган сўз бир нарсани иккинчи нарсага ўхшатиш, қиёс қилиш деган сўз. Сени Ойга, Офтобга менгзаган киши осий бўлади. Сенинг ўхшашинг йўқ. Улуғ Ҳамид Олимжон топиб айтган эди. Тўғри айтган эди:

***Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,***
***Достонларда битган гулистон.***

Кўк қадар бу юксалишинг, бу юксаклигинг, бу буюклигинг, бу муртазолигинг бардавом — боқий бўлсин!

**Тўра СУЛАЙМОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

***Ҳазрат Одам Ато излаган бўстон,***
***Муқаддас «Авесто» яралган макон,***
***Расул дўсти Увайс айлаган ошён,***
***Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!***

***«Осор ал-боқия» қувнатар кўзинг,***
***«Ал-Қонун» измингда ҳакимсан ўзинг,***
***«Луғотит турк» сабаб сарбаланд сўзинг,***
***Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!***

***Қанча асрларни бедор кузатдинг,***
***Амир Темур бўлиб юртни тузатдинг,***
***Ойдин келажакка қўлинг узатдинг,***
***Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!***

***Илкингдан эрк учди, талаш бор-йўғинг,***
***Ўчирмоқ истаашди ўчоқда чўғинг,***
***Ўша кез туғилди нажоткор ўғлинг,***
***Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!***

***Минг шукр, бўй берди шу ниҳолингга,***
***Қутлуғ кун эришдинг Истиқлолингга,***
***Поёндоз тўшалди истиқболингга,***
***Менинг элим, менинг Ўзбекистоним!***

**Асрор МЎМИН.**



## СПОРТ ҲАЛОЛЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

**«Формула-1» президенти Берни Экклстоун машҳур автопойга мусобақаси қоидаларига кескин ўзгартиришлар киритиш ниятида. Жорий йилда «Формула-1» кўплаб мухлисларидан маҳрум бўлди. Бунга мавсумнинг ўртасидаёқ «Феррари» жамоаси спортчиси германиялик Михаэль Шумахернинг яна чемпион бўлиши аниқлашиб қолганлиги сабаб бўлди. Унинг зафарларига чек қўйиш ва «Формула-1»нинг илгариги шуҳратини яна тиклаш учун бугун Экклстоун ҳар қандай чораларни кўришга ҳозиру нозир. Мана улардан бири: агар Шумми навбатдаги пойгалар олдидан энг яқин рақибини 20 очкога ортда қолдирса, шундан сўнг унинг машинаси 20 кг.га оғирлашади. Табиийки, «Феррари» жамоаси вакиллари ҳам Экклстоуннинг бу «ташаббуси»га лойиқ жавоб қайтаришди.**

## ПУЛНИ ҚАЙТАРИШ ҚИЙИН

**Канаданинг Квебек провинцияси маъмурияти молиявий қийинчиликка учраган «Калгари» ва «Эдмонтон» жамоаларига кўмаклашиш мақсадида Миллий хоккей лигасидаги барча спортчиларга солиқ солишга қарор қилди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Альберти ҳудудида ўтказилган учрашувда иштирок этган ҳар бир хоккейчи ўйин учун олган ҳақидан 12,5 фоизини қайтариб беришига тўғри келади. Масалан, «Колорадо» дарвозабони Патрик Руа Калгари ёки Эдмонтонда ўтказилган ҳар бир ўйини учун 9 минг доллар тўлайди.**

**Хоккейчилар уюшмаси раиси Тед Саскин бу янгиликни, зарарли, ўйланмаган ва ноҳалол деб баҳолади.**

## ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

**АҚШда машҳур хоккейчиларнинг эски кийимларини сотиб ҳам бойиш мумкин. Уларни МХЛ ва «Мей Грей Групп» ҳамкорликда сотади. Кийимларга телефон ёки интернетдаги махсус сайт орқали буюртма берилади. Уларга қўйилган баҳолар эса, айтиш мумкинки, «чақиб олади». «Дўкон»да унча таниқли бўлмаган спортчининг кийими 250 доллар туради. Яромир Ягрнинг эски спорт «либоси» олти минг, Павел Буреники беш минг доллар, Патрик Руаники етти минг доллар, Марк Мессьеники эса ўн икки минг беш юз долларга баҳоланди. Бироқ Лига корчалонлари баҳолар юқорилиги харидорларни чўчитмаслигига ишонишмоқда. Улар мухлислар севган спортчилар учун кўп нарсага ҳозирлигини билишади.**

**Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади.**

## Ҳажвия
# Хизматдамиз, хизматда



Қўлни қўйвор, қайирма! Ҳалиям ўша Эрка қиём акам деб ўйлаяпсан шекилли-а? Э, ҳозир обрўйимиз терак мисоли ўсиб, сендан бошқа катта юлдуз таққанлар ҳам соямизга салом беряпти. Билмайсанда. Билганингда, «Служу Эрка қиём акаму» деб честь берган бўлардинг.

Аммо бу кунларга етгунча кўп тер тўкдик-да ўзиям. Нечта тўйни тўполонга айлантирдигу... Мана биттасини айтай.

Эгамназар шопир тўй бошлаб қолди. Ҳа, энди бир мошина-ярим мошина шағал-пағал керак бўлиб қолади, деб кенгашига эртароқ бордим. Мендан бошқа хизматга борганларам бор экан: Райим шилта, Иброҳим паранг, Толиб олифталар яримтани оғилда майдалашиб, «хизмат»ни бошлаб туришган экан. Менам хизматга киришиб кетавердим. Эгамназар шопир бўлгани билан қўли очиқ йигит-да: ароқ-винони шағалдай тўкиб қўйибди-да. Шунга яраша хизматиниям қилдик: тарқаганимизда тўйхонада қассобнинг ити ҳам қолмаган экан. Улфатларим кўча томонга юришди. Мен тиккалаб ўтиб қўя қолай деб чорбоққа йўл солибман.

Барака топкурлар, ўчоқни ковлашиб, сувни қўйишиб устига шолчани ёпиб, шўрва пиширишга тайёрлаб қўйишган экан-да, қозонни. Мен, «Хотинбой пойимизга поёндоз ёзиб кутиб оладиган бўлиб қолибдими» деб, «Қадамингга гуллар очилсин»ни хиргойи қилганча оёқ қўйиб юборибман, кетдим! Қозондан шу чиқаман дейман, қани энди чиқолсам. Яхши қозонни боплаб ўрнатишган экан, қуламади. Ётибман энди, каллани сувдан чиқариб оли-и-иб! Аммо ёзнинг кунида бундан мазаси бўлмас экан. Чанқасанг шундай хўплайсан!.. Кўзим илиниб қолибди. Бир пайт совқотишнинг ўрнига исиб кетаяпман. Бошни кўтариб қарасам, Раҳим қўрқоқ шўрва пиширишни бошлаб юборибди, ўтни ёқиб.

–Ҳой-ҳов, одам бор! — дедим бақириб. Қўйиб берсанг булар шўрва қилиб пишириб ҳам юборишаверади-да!

Раҳим тахта бўлиб қотиб қолди. Атрофга аланглади. Ғира-ширада биров кўринмади шекилли, ичига туфлади. Сувни бир шалоплатиб қўйгандим, урра қочди. Дам ўтмай тўйбоши билан пайдо бўлди. Тўйбошининг орқасида турволиб қўли билан мени имлайди, оғзидан бир сўз чиқмайди.

–Бизмиз, Раҳимбой, бизмиз, — дедим.

«Ширин-шакар» сўзлар билан бўлса-да, ҳар қалай сувдан мени тортиб олишди. Устбошимни ўтда қуритиб ҳам беришди. «Келинга айтиб дазмол ҳам бостириб бера қолинг!» дегани тилим бормади, тўй устида турган одамлар бўлса.

Уйга келиб, хотинга энди «отчёт» бериб турсам, Эгамназар тўйбоши қўлида тугунча билан кириб келди.

— Э, овора бўлибсиз-да, ҳозир етиб борардим! — дедим чойга овора бўлиб, у бу нарса кўтариб юрганини кўриб.

— Овораси йўқ! — деди у сўрига чўкиб. — Мабодо бугун бирор жойга бормайсанми? — сўради сўнг.

Тўйни ташлаб қаёққа ҳам борардик, ака! — дедим.

— Зарур ишинг бўлса битказиб келавер, тўй ўз йўлига ўтаверади! — деди у жиддий.

— Тўй олдида ҳар қандай зарур иш ўтаверсин, ака! Хизматда бўламиз.

— Ҳар қандай хизмат бўлсаям қиласанми? — У қадалиб сўради.

— Э, ҳар қандай хизмат бўлсаям биз тайёр!

— Унда, — тўйбоши олдидаги тугунчани мен томон суриб давом этди, — манови тугунда ароқ, закуска бор.

— Хўш, хўш?

— Шуларни еб, ичиб уйингдан чиқмай ўтир, тўйни тинчгина ўтказиб олай! — деди.

Кулма! «Боплапти-ю!» дейсанми? Ҳе-ҳе, қанақасига боплайди. Эгамназар шопирнинг ташаббуси оммалашиб кетди. Ҳали у ёқдан келади тўйбошилар, ҳали бу ёқдан:

–Палон куни тўй қиляпмиз, мана сизнинг улушингиз, тинчгина ўтказиб олайлик, бормай берасиз!

–Пистон куни қизимни чиқаряпман, мановини олинг-да, уйдан чиқмай улфатларингиз билан чақчақлашиб ўтирарсиз!

Қўшни қишлоқларда ҳам обрўйим чакана эмас экан: мен танимаган, билмаган одамлар ҳам келади, вей! Қарасам, рўйхат қилиб олмасам бўлмайдиган. Эринмасдан ёзиб чиқдим: «Ўн биринчида Мамазия қориникида отакўрди. Тугун ташлаб, рози қилиб кетди, бормаймиз. Худди шу куни Чигитпунктда Холматжон бўқоқ ўғлини уйлаяпти, тўйга айтгани ҳам йўқ, рози қилгани ҳам, борамиз.»

Эмди тўйларга таранг қилиб бормайдиган бўлиб қолдим.

Тўйбоши келса:

— Қайси куни тўй? — дейман.

– Келаси чоршанбага.

– Э, кеч қолибсиз, шу куни бўшмиз, тўйингизга бормасак бўлмайди! — дейман виқор билан.

— Ўн минг бераман! — тўйбоши кучаяди.

– Ўн мингга отакўрдига бормаяпмиз. Сизникида наҳорги ош бор, хотин оши бор, базм бор... Майли, йигирма минг беринг, тўйингизга бормаймиз! — дейман менам кучайиб.

– Ўн беш берай...

– Майли, аммо тўйни бошқа кунга кўчирасиз, шогирдлар ҳам бекорчи, шу куни бориб қўйишлари мумкин!

«Шогирдлар ҳам борми?» дейсанми! Э, нималар деяпсан, ўн бешта бор. Олди шогирдларим менга етай деб қолди: икки-учтадан шогирд тайёрлаяпти. Мана, Икром чашма, жуда ишонганларимдан. Ана, шунақа, ука! Сен эски Эрка қиём акам бўлсалар керак, деб қўлимдан судрайсан! Қўйиб берса ўн беш сутка меҳмон ҳам қиласан. Қанча заказлар бору... Тур, бирорта «такси» тўс, уйимга олиб бориб қўйсин. Бугун Саримсоқ сассиқ тўй қилаётганди, қаёққа кетди деб ўтиргандир, униям кўнгли тинчисин. Ҳа, «такси»ни рози қилиб қўявер, закалат ўрнида қабул қиламан, тўйингга бормайман!

**Саид АНВАР.**


**Халқ сўзи**

**«Халқ сўзи» «Народное слово»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — М. ЮСУПОВ.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.20*
1 2 3 4 5 6